

ТОШКЕНТ ОҚШОМ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 86 (10.391)

2005 ЙИЛ 3 МАЙ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОНОПОЛИЯДАН ЧИҚАРИШ, РАҚОБАТ ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСINI ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Иқтисодиётнинг хусусий секторини жадал ривожлантиришни рағбатлантириш, табиий монополия корхоналари фаолияти устидан назоратни кучайтириш, банкрот ва монополист корхоналарни қайта ташкил этиш, рақобат муҳитини шакллантириш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг бозор тизimini яратиш бўйича қатъий чора-тадбирларни амалга оширишни, шунингдек истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳузуридаги Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бошқармаси негизда Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ташкил этилсин.

2. Куйидагилар Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари этиб белгилансин:

хусусий секторни жадал ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш, жумладан хусусий тадбиркорларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш;

корхоналарнинг молиявий-иқтисодий ҳолати ва рақобатчилик қобилиятини чуқур таҳлил этиш, монополиядан чиқариш соҳасида, жумладан йирик монополист корхоналарни кичиклаштириш ва таркибий жиҳатдан ўзгартириш, улар негизда ички ва ташқи бозорларда самарали рақобат қила оладиган хусусий мустақил ишлаб чиқаришларни ташкил этиш бўйича амалий тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

табиий монополия тармоқларини таркибий жиҳатдан ўзгартириш ва улардан рақобат муҳити шароитида фаолият кўрсата оладиган корхоналарни ажратиб олиш ва хусусийлаштиришни назарда тутадиган дастурлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

табиий монополия корхоналари ўзларининг ички бозордаги монопол мавқеидан фойдаланиб, ишлаб чиқараётган маҳсулот ва кўрсатилётган хизматлар нархларини асоссиз равишда сунъий оширишларига йўл қўймашлик мақсадида улар устидан назоратни амалга ошириш;

йирик монополияларнинг рақобатга зид ҳаракатларини, нопок рақобатчилар, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ноҳаёл рақобатни, товарлар ва хизматлар бозорлари монополия қилиб олиншини чеклаш ҳамда пайини қирққини таъминлайдиган рақобат муҳити учун ҳуқуқий майдонни тақомиллаштириш;

иқтисодий ночор корхоналар тўғрисидаги масалаларни ҳал этиш чоғида давлат манфаатларини ифода этиш, корхоналарни таркибий жиҳатдан ўзгартириш ва уларнинг банкротлиги соҳасида давлат бошқаруви вазифаларини амалга ошириш;

истеъмолчилар ҳуқуқларини давлат томонидан ҳимоя қилиш тизimini истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи жамоат тузилмалари билан мустаҳкам мувофиқлаштирган ҳолда ташкил этиш;

реклама соҳасида нопок рақобатга йўл қўймашлик мақсадида реклама бозорини тартибга солиш.

Давоми 2-бетда.

ҲАР МИЛЛАТ ИЛМ ОЛДИ — ЁНДИ ЧИРОФИ

«ЎЗЭКСПОМАРКАЗ»ДА НАМОЙИШ ЭТИЛАЁТГАН
МАКТАБ ЖИҲОЗЛАРИ КЎРГАЗМАСИ ТААССУРОТЛАРИ
Ўқувчилик йилларимиз... Ранг-туси кўмирдек қоп-қора ва қорамтир-жигар-ранг, анчайин дағал, ноўнғай, айни чоғда, суюк ва қадрдон парталар...

Парта «эшикча»сини очиб, сумка ва бош кийимимизни пасти ки бўлмага жойлаштираддик. Ҳар соат эмас, ҳар дақиқада китоб, дафтар, кундалик, ручка-қалам, ўчирғич, паргор ва яна нималариндир олиш учун сумкани тортар эканмиз, ҳар гал теллак ёки дўпғимиз оёқ остига тушар, уни олиш учун пастга шўнғиб, партадошимизни анча безовта қилиб қўяр, боз устига, дарс бузилишига сабабчи бўлиб, муаллимлардан дакки ҳам эшитардик.

Бир гал, ҳатто, парта «эшикча»сини тиниб-тинчмас синфдошимизнинг қулоғини қисиб қолган. Биз учун текин томоша, мактаб раҳбариятиро ўқитувчиларимиз учун анча-мунча ташвиш бўлган эди ўша воқеа...

«Ўзэкспромарказ»да намоийш этилаётган мактаб мебеллари, ўқув-лаборатория ускуналари ва спорт анжомлари тендер-танлов кўрғазмасини кўздан кечирар эканман, даставвал, хаёлимда қарийб ўттиз йил олдинги ана шу болалик хотираларим, ўқувчилик даврим гавдаланди.

Энди давр тамомила бошқача. Эски тузумда «Госснаб»каби ҳўмбардор идоралар нима деса, берганига шўр деб қўниб кетилаверадиган, инсон тақдирини, ёшлар таълим-тарбиясига энгил-елпи қарайдиган замонлар ортда қолди.

Бугун Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси ва раҳнамолигида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг бош ширини бундай: ислохот - ислохот учун эмас, ислохот - инсон учун! Бу эзгу мақсад таълим тизимидаги чуқур янгиликлар мазмун-моҳиятида ҳам тўла ноён бўлмоқда. Чунки юртимизда истиқлолнинг илк кунлариданоқ, маърифат - тараққиёт мезони, деяр қатъий белгилаб олчиди.

Иқтисодий ислохотларни ҳал этиш гоят муҳим масала. Халқ фаровонлигига ҳам албатта эришамиз. Аммо маънавий ислохотлар, қўллик ва мутелик исканжасидан озод бўлиш, қадри бандан тутиш, ота-боболаримизнинг удумлигини тиклаб, улarga муносиб ворис

бўлиш, ҳар томонлама қомил инсонни тарбиялаш - бу дунёда бундан ортиқроқ ва бундан шарафлироқ вазифа йўқ.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ халқимизни маърифий уйғоқликка қорлаб баралла янраган ушбу оташин даъват бу соҳадаги ишларимизнинг асосий йўналишларини белгилаб берибгина қолмай, кейинги йилларда том маънода ҳаётимиз аъмолига айланди.

Таъкидлаш жоизки, «Таълим тўғрисида»-ги қонун, Қадрлар тайёрлаш миллий дастури ағона таълим комплекси сифатида ёш авлодга узлуксиз таълим-тарбия бериш жараёнининг барча бўғинларини қамраб олди.

Давлатимиз раҳбари Оқсаройда Вазирлар Маҳкамаси янги таркиби билан ўтказилган кенгашда қайд этганидек, «Бугунги кунда умумтаълим мактаблари, академик лицей ва коллежларга бюджет маблағларининг қарийб 50 фоизи сарфланапти. Табиийки, ҳар қандай давлат ҳам бундай катта харажатларни кўтариши қийин, аммо биз, қанчалик оғир бўлмасин, бунинг учун зарур маблағ ва ресурсларни ишлаб топамиз».

Харакатда - баракат, дейдилар. Эндиликда мамлакатимиз бўйлаб қад ростлаган юзлаб замонавий лицей ва коллежлар да ёш авлод вақиллари - буюк келажакимиз бўвдқорларни таълим-тарбия олиб, турли касб-ҳўнарларни ўрганиш билан машғул.

Айни чоғда ҳаёт йуриғи шундайки, бир муаммонинг ҳал этилиши билан навбатдаги муаммо кўндаланг туради. Айтайлик, лицей ва коллежлар учун янги, кўркам бинолар барпо этиб, уларни зарур моддий-техника базаси, ўқув жиҳозлари, замонавий дарслик ва қўлланмалар, зукко ҳамда билимдон ўқитувчилар билан таъминлаган ҳолда, нега энди худди шундай шароитни мактаблар учун ҳам яратиб бермас эканмиз?

Юқорида зикр этилган даргоҳлар ўқувчилари таълимнинг илғор ва пешқадам усулларида сабоқ олаётган аснода,

нима учун мактабларимизда бу борадаги аҳвол «эски ҳаммом, эски тос» бўлиб қолавериши керак? Ахир, мактабни битирган фарзандларимиз эртага лицей ва коллежларга, олий ўқув юртиларига ҳар тарафлама пухта билим ва тайёргарлик билан келиши зарур-ку?!

2004 йил ана шу залворли масалаларга ечим топиш йўлидаги ҳал этувчи давр сифатида янги тарихимиз зарварларида давллатимиз раҳбари ташаббуси билан мактаб таълимни ривожлантиришга қаратилган гоятда аҳамиятли ҳужжатлар - Президент Фармон ва Фармойишлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари қабул қилинди ҳамда изчиллик билан уларнинг ижросига киришилди.

Бу борада Президент Фармони билан тасдиқланган 2004-2009 йилларда мактаб таълимни ривожлантириш давлат умуммиллий дастури айниқса муҳим аҳамият касб этди. Энг эътиборли жиҳати шундаки, мазкур дастурни амалга ошириш учун 1 триллион 200 миллиард сўмдан ортиқ маблағ сарфланиши кўзда тутилган.

Ушбу Дастур, моҳият эътиборига кўра, биринчидан, мактаб биноларини тўвдан янгилаш ва реконструкция қилиш, капитал ва жорий таъмирлаш, иккинчидан, мактабларни замонавий ўқув-лаборатория анжомлари, компьютер техникаси, дарсликлар ва ўқув-услубий материаллар билан жиҳозлаш, учинчидан, таълим стандартлари ва ўқув дастурларини тақомиллаштириш, туртинчидан, мактабларни малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, ўқитувчиларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишини самарали тизимини яратиш, улар меҳнатини рағбатлантиришни кучайтириш, бешинчидан, мактабларнинг спорт базасини мустаҳкамлаш ва уларда спортни ривожлантириш каби устувор вазифаларни амалга оширишни ўз ичига олади.

Давоми 2-бетда.

XXI ҲАҚСИ

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

Мамлакатимизда

«Сихат-саломатлик йили» давлат дастурда мамлакатимиздаги барча корхона ва ташкилотларда меҳнат шароитлари бўйича иш ўринларини аттестацияда ўтказиш вазифаси белгиланган. Дастурга мувофиқ Фарғона вилоятидаги 32 корхонада

саққиз юзга яқин иш ўрни аттестация қилинди.

- Бухоро шаҳридаги Пойи Калон мажмуасида фольклор-этнография жамоалар республика кўрик-фестивалининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.
- Андижонда икки кун давомида фольклор жамоаларининг худудий фестивали ўтказилди. Унда олти вилоят - Андижон, Жиззах, Наманган, Сирдарё, Тошкент, Фарғона вилоятлари вакиллари қатнашди.
- Республика ўқувчилар саройида «Зарб-2005» доирачилар танлови

яқунланди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан 180 нафарга яқин ўқувчи иштирок этди.



Жаҳонда

- Венесуэла Президенти Уго Чавес Куба билан алоқаларни мустаҳкамлаш ниятида Гаванада нефть ишлаб чиқарувчи PDVSA компанияси офисини очди.
- Швейцарияда қурувчилар Альп тоғлари орасидан ўтувчи, Германия

ва Италияни бирлаштирувчи 34 километрлик Лечверг темирйўл тоннелидаги казиш ишларини тугатишди.

- Немис олимлари рақ ҳужайраларини аниқлаш учун янги тест ишлаб чиқдилар. Ушбу янги усул амалдаги методикадан минг бар сезгирроқдир.
- Австралия ҳукумати яшил қитъанин ноёб табиати ва қишлоқ ҳўжалигига жафда кўпайиб кетганлиги сабабли ҳаф тугдирайётганлиги учун туяларни кескин қамайтиришга қарор қилди.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МОНОПОЛИЯДАН ЧИҚАРИШ,
РАҚОБАТ ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ
ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ДАВЛАТ
ҚЎМИТАСINI ТАШКИЛ ЭТИШ
ТЎҒРИСИДА**

Давоми. Боши 1-бетда.

3. Белгилансинки, қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ташкил этиладиган ҳудудий органлари ҳисобланади:

Қорақалпоғистон Республикасида — Қорақалпоғистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси иқтисодий ночор корхоналар ишлари ҳудудий бошқармаси ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўлими негизда ташкил этиладиган Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш қўмитаси;

вилоятлар ва Тошкент шаҳрида — монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш ҳудудий бошқармалари, иқтисодий ночор корхоналар ишлари ҳудудий бошқармалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳудудий бошқармаларининг кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўлими негизда ташкил этиладиган монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳудудий бошқармалари.

4. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасига қуйидаги ҳуқуқлар берилсин:

давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ҳўжалик юритувчи субъектлар ҳамда уларнинг мансабдор шахсларига, ўз ваколати ва Қўмита тўғрисидаги тасдиқланган Низом доирасида, улар чиқарган қарорларни бекор қилиш ёки монополияга қарши ишларни тартибга солиш, банкротлик, рақобат ва тадбиркорликни ривожлантириш соҳасидаги қонунчиликни бузганидан хатти-ҳаракатларни тўхтатиш ва унинг оқибатларини тугатиш тўғрисида тақдирномалар бериш, шунингдек берилган тақдирномалар ижросини назорат қилиш;

нопоқ рақобатчилар, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари ҳамда мансабдор шахслари, шунингдек маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва мансабдор шахслари томонидан монополияга қарши ишларни тартибга солиш, банкротлик, рақобат ва тадбиркорликни ривожлантириш соҳасидаги қонунчилик бузилган ҳолларда уларга қарши судларда даъво қўзғатиш;

монополист корхоналарга, иқтисодий ночорлик аломатлари мавжуд бўлган ёки банкротга учраш ҳолатига келиб қолган корхоналарга уларни кичиклаштириш ва тарқийбий жиҳатдан ўзгартириш заруриги тўғрисида тақдирномалар бериш, шунингдек суднинг қарорига биноан шундай тақдирномаларнинг қонунчиликда белгиланган тартибда мажбурий бажарилишини амалга ошириш;

ҳўжалик юритувчи субъектлар ва уларнинг мансабдор шахсларига, шунингдек давлат бошқаруви органлари ҳамда маҳаллий ҳокимият органларининг мансабдор шахсларига қонунчиликда белгиланган ҳолларда ва тартибда жарималар солиш;

истеъмолчилик ҳуқуқлари камситилгани тўғрисида истеъмолчиларнинг ариза ва шикоятлари юзасидан, назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши билан келишилган ҳолда, ана шу ҳуқуқларни бузган корхона ва ташкилотларни текшириш (ўларнинг молия-ҳўжалик фаолияти бундан мустасно).

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси тўғрисидаги Низомни тасдиқласин, унда мазкур қўмита томонидан ҳўжалик юритувчи субъектларнинг фаолият эркинлиги камситилиши ва чекланишига йўл қўйилмаслиги назарда тутилган ҳолда унинг ҳуқуқ ва ваколатлари аниқ белгилаб қўйилиши қўзда тутилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси ўзи тақдим этадиган даъволар юзасидан қўриб чиқиш учун ҳўжалик судларига киритиладиган ишлар бўйича бож тўлашдан озод қилинсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 2 августдаги «Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида»ги ПФ-2676-сон Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 11 декабрдаги «Корхоналарнинг банкротлиги тўғрисидаги қонунчиликни амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида»ги ПФ-1658-сон Фармонининг 3-9-бандлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига, хусусан, рақобат тўғрисидаги ҳамда товар бозорларидаги монополистик фаолиятни чеклаш, табиий монополиялар, банкротлик, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунларга ўшбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар ҳақида тақлифлар киритсин.

8. Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини тайёрласин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2005 йил 2 май

**ҲАР МИЛЛАТ ИЛМ
ОЛДИ — ЁНДИ ЧИРОФИ**

Давоми. Боши 1-бетда.

Хусусан, 2004-2009 йиллар мобайнида 8 минг 476 мактабни янгилаш ва реконструкция қилиш белгиланган. Аввало, шуни айтиш керакки, бу вақт давомида 325 мактабни янгидан қуриш, 2 минг 313 мактабни капитал реконструкция қилиш, 3 минг 769 мактабни капитал таъмирлаш даркор. Маълумотларга қараганда, ўтган йили 26 мактаб янгидан қурилган ва ишга туширилган, 8 мактаб капитал реконструкция қилинган, 430 мактаб капитал ва 174 мактаб жорий таъмирланган.

2005 йил учун белгиланган мактабларни барпо этиш, капитал реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш ишлари ўтган йилнинг охирида юртимизнинг барча ҳудудларида бошлаб борадиган бўлиб келибди. Бу дастурга 1 минг 97 мактаб киритилган. Ана шу 450 уларнинг ичининг ўзига 450 миллиард сўм сарфланиши мўлжалланмоқда.

Шу ўринда мазкур кўрғазма 2004 ва 2005 йилларда янги қуриладиган, капитал реконструкция қилинадиган ва таъмирланадиган ана шу мактабларни янги мебель, замонавий ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер техникаси ва спорт анжумлари билан жиҳозлашга бағишлаб ташкил этилганлигини таъкидлаш жоиз.

Шубҳасиз, тендер-танлов кўрғазмасида намойиш этилаётган жиҳозларнинг ўқувчилар учун ҳар томонлама қўлайлиги эътиборга олиб, Биргина мисол, парталар бола кўзларини тоқтирмайдиган орангга бўялган. Уларнинг сатҳига сийёҳи ёзувлар билан тақдирланади, уни осонгина ўқириб бўлмайди. Парта қирралари ҳам силлиқ, яъни синф хонасида ўйнаб-югуриб юрган болалар урилиб кетгудек бўлса, жароҳат этиши эҳтимолнинг ҳам олди олинган.

Парта ўтиргичини ясадада бола дарс мобайнида ўзини имкон қадар эркин ва қўлай ҳис этиши зарурилиги ҳисобга олинган. Сумка осини ушун партанинг ҳар икки томонида махсус илгаклар бор. Синф ичида бош қийми ва қийли қийимлар учун махсус жапонлар, китоб шафалари қўйилган. Мухтасар айтганда, кўрғазмадаги парта ва бошқа жиҳозлар намуналарининг наинки биз ўқиган йиллардаги, балки ҳозир фарзандларимиз фойдаланаётган мактаб анжумларидан ҳам бир қанча афзаллик томонлари бор.

Айни чоғда, Президентимиз кўрғазма билан танишув асосида ўқитганидек, биз янги мактаб жиҳозларини кенгаги ва бунгилари билан солиштириб эмас, балки Европа ва, умуман, ривожланган мамлакатлардаги намуналарга қиёслашимиз, ана шундай юқори эталон даражасини эътиборда тутиб иш қилишимиз даркор. Бунда, аввало, мактабда тахсил оладиган фарзандларимизнинг буй-басти, соғлом ўнгиб-ўнгилиги билан боғлиқ муҳим омиллардан тўғри, уларнинг ички дунёси, орзу-хаваслари ва интилишларига ҳам эътиборга олиниши лозим.

Ўртбошимиз таъбири билан айтганда, янги қурилган ва таъмирланган гўзал ҳамда шимна мактаблар ўзига ярашқли замонавий жиҳозлар билан таъминлавиши зарур. Токи Париж ёки Лондондаги мактабларни қўрган киши, айтилик, Қўқон, Шаҳрисабз ёхуд Нукусдаги мактабларни улар билан таққослаганда қўйиб қолсин. Энг аввал, фар-

зандларимиз икболли учун яратиб берган бутунлай янгича шарт-шароитлардан ўзимиз фохлаланайлик.

Ўшбу тендер-танлов кўрғазмасини ташкил этишдан асосий мақсад мактаб ўқувчилари фойдаланадиган жиҳозларнинг сифати, қўлайлиги, дизайни борасидаги талаб ва тақлифларни пухта ўрганиш учун имконият яратишдир. Зотан, тендер-танловда макбул топилган, аввало, ўқувчилар, педагоглар, мутасаддилар эътирофига сазовор бўлган мактаб жиҳозларини тайёрлаш учун келгусида тегишли фирма ва корхоналарга давлат буюртмалари берилди.

Масалан, дастлабки пайтда биргина партанинг ўзидан қарийб 600 минг дон буюртма бериш учун эҳтиёж мавжуд. Агар барча янги қурилган, таъмирланган мактабларимиз учун зарур ҳар бир жиҳозни шу тариха келга қўйиб-қўлайтириб, юзага келган рақамларни пулга қақдидан бўлса, каттагина миқдор келиб чиқishi аниқ.

Ўзоққа бормайлик, биргина жорий йилда мактаб анжумлари хариди учун 42 миллиард сўм маблағ сарфлаш қўзда тутилган. Бу пуллари фарзандларимиз замонавий таълим-тарбия олиши учун етарли шароит яратиш мақсадида унумли ва оқилона сарфламоғимиз шарт. Ҳайри ва улуввор мақсадларимизга аталган пуллар беҳуда соверишлишига эинҳор йўл қўймаслигимиз керак. Ҳаёт, замон тақозоси, Президентимиз талаби шу!

Тендерда иштирок этган 150 дан ортик фирма ва компаниялар орасидан махсуслотининг сифати, ташки қўйилиши, дизайни, нархи каби қўрсаткичлар бўйича танлаб олинган 47 корхона ўшбу кўрғазмада ўз жиҳоз ва ускуналари билан қатнашаётгани ҳам бу нечоғли маъсулиятли вазифа эканини қўрсатиб турибди.

Жумладан, «Файз» очик акциядорлик жамияти турли хил мактаб кабинетлари учун мебель, «Стеклопластик» очик акциядорлик жамияти 1-2, 3-4, 5-7 синф хоналари жиҳозлари, «Эл-холдинг» очик акциядорлик жамияти кимё, физика, биология хоналари учун ўқув-техника жиҳозлари, «Катрис» корхонаси расм-чизмачилик хонаси учун асбоб-ускуналар, «ЎзРусОлийгоҳ» корхонаси лингвон синфлари учун жиҳозлар, Қўрсатил техникасига хизмат қўрсатиш корхонаси спорт анжумлари намуналарини намойиш этаётди.

Ҳўш, ўшбу корхоналар махсуслотларидан энг мақбулини қандай танлаб олиш керак? Бу борада Президентимиз билдирган тавсияларни амалда қўллаш айни муддаодир.

Биринчидан, ўз махсуслотларини тақлиф этаётган корхоналар жиҳозларига дарров буюртма бермасдан, ўшбу анжумларни маълум муддат муайян ҳудудлар мактабларида атрофлича синовдан ўтказиб қўриш керак. Иккинчидан, бундай синов учун битта корхона эмас, балки икки ёки учта корхонанинг муқобил жиҳозларини танлаб олиш ўринлидир.

Учинчидан, мактаб жиҳозлари синови даврида аввало, ўқувчилар, ўқитувчилар, таълим соҳаси фидойилари, ота-оналардан тортиб, тегишли мутасакисларнинг фикр-мулоҳазаларни батафсил ўрганилиши даркор. Айниқса, компьютер хоналари жиҳозлари синови алоҳида мутасакислар иштироки ва кузатуви остида ўтказилиши, зарур бўлса, бу борада махсус лабораториялар ташкил этиш мақсадида му-

вофиқдир. Тўртинчидан, синов муддати якунига етган, ҳар бир махсуслотнинг тақриб даврида ўрганилган барча ижобий-салбий жиҳатлари жамлашиб, чўқур таҳлилдан ўтказилиши зарур. Шундан сўнггина тегишли корхонага — қўрсатилган талаб ва истақларни инобатга олган ҳолда ишлага чиқариш шарт билан — муайян махсуслотга буюртма бериш мумкин бўлади.

Бизнингча, бундай тендер ва кўрғазмаларни ўтказишдан қўланган ана бир муҳим мақсад бу масалалда жамоатчилик фикрини уйғотишдир. Негаки, бундай кўрғазмалар одамлар давлат ва умумийлик аҳамиятига молик масалалар билан шуғулланиши, эл-юрт тақдирини, фарзандлари келажагига дахлдорлик тўғриси билан яшаш, ҳар бир раҳбар, тадбиркор, фермер, бориники, ҳар бир фўқор ўзининг амалий ишлари, қимматли тақлиф-мулоҳазалари билан бу жараёнларда фаол иштирок этиши учун муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Ростини айтганда, қайси замонда, қим томонидан мактаб партаси қандай бўлиши кераклиги тўғрисида жамоатчилик фикри сўралган? Ҳаир, яқин-яқингача лоқал ўқитувчиларнинг бу ҳақдаги фикри йўнбатга олинганми? Йўқ, албатта. Шу маънода, наинки давлат ва жамият қуришдаги дахлдор ўта муҳим масалалар, ҳатто таълим тизимига жорий этилаётган ҳар қандай ўзгаришлар, шу жумладан, янги намунадаги мактаб биноларини барпо этиш, уларни замонавий жиҳозлаш, илгор андозлардаги дарслик ва қўланмалар билан таъминлаш жараёнини халқимиз билан бевосита маслаҳатлашув асосида амалга оширилаётгани эътирофга сазовордир.

Янада соддароқ айтганда, янги, замонавий мактабларимиз учун танлайдиган жиҳозлар биринчи навбатда ўқувчиларга, ўқитувчиларга, ота-оналарга ёқсин, умуман, халқимизнинг нозик дидига мос ва албатта, келажак мақсадларимиз ижобати йўлидаги барча талабларга тўлиқ жавоб берадиган бўлсин.

Ҳа, неча-неча аждодларимиз орзу-армони ушлаган — халқимиз Истиклолга эришган бугунги дорилоним қулларда маърифатпарвар Бобомиз Абдулла Авлонийнинг «Эй миллат, улолма, илм олур чоғи, Ҳар миллат илм олди — ёнди чироғи», деган ўғли мисралари қайтадан доғларгаги қасб этмоқда. Мактаб таълимини ривожлантириш ҳаёбасида олдимизда турган залворли, айни чоғда шарафли юмушлар қўлами ўзини шу юртинг ватанларини деб билган ҳар бир инсондан фикрлий уйқоқликни, ташаббуслорлик ва фаолиликни тақозо этаётди.

Кўрғазма мутасаддиларининг маълум қилишича, кейинги кунларда «Ўзэкспортмарказ»да намойиш этилаётган мактаб жиҳозлари кўрғазмасига келувчилар сонин янада қўлайган. Шу муносабат билан кўрғазма намойиш бир ҳафта муддатга узайтирилган. Ҳозиргача мактаб жиҳозларини тақомиллаштириш бўйича юзлаб тақлифлар тушган.

Дарвоқе, Сиз ўшбу кўрғазмада бўлдингизми? Бормаган бўлсангиз бориң, қўриң, ўз фикр-мулоҳазаларингизни билдиринг.

Бугун бу борада амалга ошириладиган ҳар бир эзгу ишимиз фарзандларимизнинг етук ва баркамол инсонлар бўлиб тарбия топиши йўлидаги муҳим кадам эканини унутманг.

**Ғулум МИРЗО,
ЎЗА шарҳловчиси**

Сатнам

СЕРИАЛЛИ СПЕКТАКЛЬ

Тошкентдаги академик Рус драма театри ўз мухлисларини яна бир спектакль билан мамнун этди. "Ҳаёт гўзал" деб номланган мазкур янги постановка юморга бойлиги, томошабинда завқ-шавқ уйғотиши билан ҳам эътиборни ўзига тортади.

Инглиз драматурги Рэй Куни пьесаси асосида сахна юзини кўрган бу асар Англияда "N:14" деган ном билан машҳур. Зеро, Ҳаёт гўзал комедияси сериал томоша сифатида намойиш қилиб келинмоқда.

Театр жамоаси ҳам ана шу туркумини давом эттириб, иходий изчилликда иш олиб борди.

Ўтган йили сахналаштирилган "N:13" спектакли ҳам томошабинларга манзур бўлган эди.

ТОМОША ЖОЗИБАСИ

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик Катта опера ва балет театри сахнасида намойиш қилинган "Хумо" балети томошабинларга манзур бўлмоқда. Шарқ афсонаси асосида яратилган мазкур спектаклни постановка қилиш учун театр четдан қатор иходкорларни тақлиф этди.

Хореографик сахналар Санкт-Петербург театрининг балетмейстери Г.Алексидзе ҳамда истеъдодли саяхаткор Ю.Гегешидзелар ҳамкорлигида тайёрланди.

Балет қаҳрамонлари учун тикилган либослар "Олтин хумо" совриндори модельер россом Комил Ёқубов томонидан яратилди.

Бу уста модельер театрда сахналаштирилган қатор постановкалар учун ҳам ўз маҳоратини аямасди.

ТАНЛОВНИНГ ИККИ КАРРА ГОЛИБИ

Кейинги йилларда қатор ёш истеъдодлар ўз иходлари билан мухлисларга яхши танилиб қолди. Улар орасида ёш бастакор Сарвар Раҳматхўжаев ҳам бор.

Эстрада муסיқаси жанрида тароналар яратиш йўлида баракали иход қилиб келаётган бу саяхаткор ёзган асарлари билан "Тарона-2005" танловида фаол қатнашди. Бу иход намуналари тингловчилар томонидан яхши кутиб олинди.

Мазкур эстрада кўшиқлари танловининг "Энг яхши муסיқа муаллифи" номинацияси бўйича голиб деб топилди.

Шуни эслатиб ўтиш жоизки, Сарвар Раҳматхўжаевнинг бир неча асари "Тарона-2004" танловида ҳам маҳорат билан ихро этилган эди. Танлов ҳаками унинг бу муסיқаларини ҳам совринли мукофот билан тақдирлаган эди. Шундай қилиб, ёш бастакор кетма-кет ушбу танловларда голибликни қўлга киритди.

Ақбар АЛИЕВ

ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ — МИЛЛАТИМИЗГА ХОС ОДАТ

Ҳар куни нурафшон тонгга пешвоз чиқарканмиз, куннинг чиқиши ва ботишини одатдаги ҳолдек қабул қиламиз: кўёш чиқдики, у ботади ва эртага яна пайдо бўлади. Урушни кўрган одамлар эса... "Кўёш осмонда осилиб қолган эди" деб эслашади. Ҳамма нарса қоришиб кетган, кеча ва кундуз, йил фаслларининг фарқи билинмай қолган пайтда эҳтимол кўёшнинг музаффарлиги ва боқийлиги ҳам омонат туюлиб қолгандир.

Айтишларича, қиёмат бошланганининг сўнгги белгиси — кўёш қотган жойдан чиқар экан. Ярим қиёмат ҳисобланган урушда кўёш ҳаракатсиз туриб қолган бўлса ажаб эмас. Бу ҳар соғина сўнгги нафасини кутиб яшаган юртдошларимиз хотирасини эслаш, уларнинг номи-ни абадийлаштириш биз учун ҳам қарз ҳам фарзидир.

Юртбошимиз Ислам Каримовнинг Фармони билан Республика-мизда ҳар йили 9 май — Хотира ва Қадрлаш кунини нишонланмоқда. Албатта бу Фармон халқимиз дилидаги айна мударо бўлди.

Бинобарин, хотирлаш муҳрибарлардан соғ-омон қайтиб, бугунгача етиб келганларга тегишлидир, чунки қадрлаш сўзининг рамзий ва чуқур маъноси ҳам дунёдан ўтганларнинг хотирасини эслаш билан экланиб қолмай, улар билан ба-робар жанрлар қилиб ўй уй, ўлан

тўшақларига қайтиш насиб бўлганларга иззат-икром кўрсатишдан иборат. Зеро, миллатимизда "Вафотидан кейин минг кун йилгадан кўра, тириклигида бир кун хурматини келтир", деган нақл борки, қадрлаш иборасининг тул моҳия-тида ана шу жуда оддий, аммо ўз тараф ҳаётини бир философия маъно-сида билишнинг чарогон кунларимиз, мунаввар келажакимиз учун жон олиб, жон берган боболаримиз номи хотирамиздан асло ўчмаган. Аналар оқ сутини оқлаб, юрт хомияси йўлида қурбон бўлган бо-боларимиз қаҳрамонлиги неча-неча авлодларга ибрат бўлажак.

Биз инсонимиз ва пировардида, ўтганлар ва тириклар олдига ўз маънавий бурчларимиз борлигини ҳеч қачон унутмаслигимиз лозим. Миллий истиқлол гоёсининг асо-сий тамойилларидан бири инсон-даги сомилликни белгиловчи оли-

жаноб ҳис-туйғу ҳисобланади. Шу ҳиссиёт бор эканки, инсонни хоти-ралаш ва қадрлаш туйғулари биз-да ва янги авлодларда тобора ка-мол топади, қилинган савоблар унутилмайди, эзгу амаллар яшай-вереди, ўтганлардан қолган яши-ликлар ардоқланади.

Хотирлаш ва қадрлаш деганда нафақат иккинчи жаҳон урушида фашизмга қарши курашиб ҳалок бўлганлар, айна пайтда мамлака-тимиз озодлиги ва мустақиллиги учун жон берган Ўзбекистоннинг барча ўғлонларини хотирлаш тушу-нилади. Қадрлаш ибораси эса мам-лакатимизда бугунги кунгача "Ва-танпарварлик", "Миллатга бўлган муҳаббат" каби туйғуда яшаган ва яшаб келаётган кекса авлодларни, яъни боболаримиз ва момоларимизни эъзозлаб, иззат ва ҳурмат билан эҳтиром кўрсатиш-дир.

Бугунги кунда баъзи бир ёшлар-нинг Ватанпарварлик, Миллатга бўлган муҳаббат, Истиқлол каби туйғулари қадрлай билмаслиги ачинарли ҳолдир. Шундай ҳоллар-нинг олдини олиш мақсадида Тош-кент шаҳар "Маънавият ва маъри-фат" маркази жойларда "Икки ав-лод учрашуви" мавзусида табир-лар ўтказмоқда. Бундай тадбирлар-га иккинчи жаҳон уруши қатнаш-чилари, меҳнат фахрийлари, зиё-лилар қатнашиб, ватанпарварлик, миллатга бўлган муҳаббат, Исти-қлол каби туйғулари ёшлар қал-бида синдирилади, ҳаётга татбиқ қилиш йўли-йўриқларини тушунти-рмоқдалар. Ёшларимиз учун ибрат бўлиб келаётган тадбирлар за-мирида Президентимизнинг: "Биз Ўзбекистон аталмиш бир оила фар-зандларимиз, келинлар ўз ўтми-шимиздан ҳулоса қайарайлик, бир-биримизга нисбатан доимо бағри-кент, меҳр-оқибатли бўлайлик!" деган даъвати муҳассамдир.

Зеро, инсон хос энг олижаноб фазилат кексаларни қадрлаш, раҳм-шафқат, меҳр-муруват, ҳи-мат ва оқибатдир.

Раҳматилла
ҒОЙИБНАЗОВА,
Тошкент шаҳар
"Маънавият ва маърифат"
маркази бош мутахассиси

Бозор ва харидор

ҲАРАКАТ, ИЗЛАНИШ САМАРАСИ

Бугунги кунда харидорлари-миз ўзимизда тайёрланган сиф-атли, бежирим, рақобатбардош маҳсулотларни қўллаб харид қилишмоқда. Бу кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик ри-вожланаётгани, улар давлатимиз томонидан қўллаб-қувватла-наётгани, етарли шарт-шароитлар яратилаётгани самарасидир.

Шундай имкониятлардан оқилона фойдаланаётган тад-биркор Шарифа Мамажоновна ҳам ўзининг ривожланиш йўли-ни тўғри белгилаб олган. У бош бўлган "Даврон Аҳмад ўғли" хусусий ишлаб чиқариш фирмаси ҳам махсус иш кий-имлари тикиш соҳасида тад-биркорлик билан фаолият юри-таётган жамоалардан ҳисобла-нади.

Тошкент тўқимачилик ва энгил саноат институтини би-тиргач, давлат корхонасида ўз мутахассислигини бўйича узок йиллар ишладим, — дейди Ша-рифа Мамажоновна. — Касбим-ни жон-дилдан севганим боис бўлса керак, замон билан ҳам-нафас бўлишга, янгилик яра-тишга интиламан. Хусусий кор-хона очилиши жуда хоҳлаганман. Соҳамизда рақобат анча кучли бўлишига қарамай билим, касб маҳорати ва албатта, машақ-қатли меҳнат туфайли мижоз-ларимиз кўнглига йўл топишга ҳаракат қилаямиз.

2001 йилда Шарифа опанинг орзуси амалга ошиб, юксак самарали тикув-бичув маши-на, дастгоҳ ва ускуналарини хар-ид қилди, бинони ижарага олди ва қўллаб хотин-қизларни иш билан таъминлади. Айна кунларда корхона жамоасининг қўллаб доимий буюртмачилари бор.



Шарифа Мамажоновна, тадбиркор

Мақсадига етиш учун раҳбар саъй-ҳаракатларини, билимини ишга солди ҳамда жамоага 22 нафар ишчи-изматчиларни ўз касбига меҳр қўйганлигини эъти-борга олиб танади. Чунки бозор иқтисодиёти шароитида омбор учун эмас, харидор учун ишлаш лозимлигини тадбиркор яхши ан-глаган. У корхонаси ташкил этилгандан буён буюртмалар учун хом ашё — маҳаллий иш-лаб чиқарувчиларнинг ип-газла-ма матоларидан фойдаланишга асосий эътибор қаратмоқда.

Корхонада тиббиёт, озиқ-ов-қат саноати, ишлаб чиқариш, маиший хизмат, нефть-газ са-ноати ходимлари учун махсус иш кийимлари тикилади. Улар-га асосан иқлимимизга жуда мос, об-ҳаво инжиқликларига чидамли матолар танланади. Масалан, «Зеготакс» компани-янинг, «Ўзнефгаз» маҳсулотлари ҳолдинг компанияси, «Чинозтў-қимачи», «Ноназиз» қўшма кор-хоналари, Ўзбекистон Респуб-ликаси Соғлиқни сақлаш вазир-лиги тасарруфидидаги муассаса-лар корхонанинг асосий буюрт-мачилари ҳисобланишади.

Жорий йилдан эса жамоанинг моҳир дизайнерлари янги маҳ-сулот — магистрантлар учун ко-стюм тикишни йўлга қўйдилар, айниқса, уларнинг бош кийими эътиборингизни ўзига тортади. Бундан ташқари, корхона, таш-

килот, фирмалар учун за-монавий элита усулида пардалар каталоглар ёрдамида ҳамда мижоз-ларнинг хоҳиш-истаги инобатга олинган ҳолда тикилади. Шунингдек, да-стурхон, салфетка, урин-кўрпалар учун ғилофлар-га буюртмалар ҳам шар-тнома асосида баҳарила-ди.

— Сифатли, рақоб-батбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришимиз учун талаблар даража-сидаги хом ашё зарур, — дейди фирма дирек-тори Шарифа Мамажоновна. — Шу боис ҳам биз ҳамкорлик қилиб кел-лаётган юртимиздаги баъзи мато ишлаб чиқар-увчи корхоналар маҳ-сулотларининг сифати етарлича қониқтирмай-ди. Чунки улар кўркам, ёрқин рангларда, замо-नावий бўлишига қара-май, бўёқлари сифат-сиз. Жамоа аҳлининг машаққатли меҳнати ту-файли яратилаётган кийимлар ювилган сари кўринишини йўқотиши мумкин. Тўқимачилик соҳасида шу масалага етарли эътибор қара-тилса, нур устига авло нур бўларди, тикаётган кийим-кечакларимиз сиф-ати янада ортарди.

Узоқни кўзлаб аниқ режалар асосида иш юритаётган тадбиркор ўз жамоасида ҳам жиҳат-лик, баракали меҳнат, янгиликка интилишга эришдики, сифат бош мезонга айланди.

Муҳаббат
ҲАБИБУЛЛАЕВА
СУРАТЛАРДА: корхо-на фаолиятдан лавҳалар.
Наталья Семёнова
Бундан суратлар.

ЯНГИ ЛОЙИХА ТАҚДИМОТИ

Пойтахтда Япония ҳукуматининг бе-гараз ёрдами асосида амалга оширил-ган ўрта махсус касб-хўнар таълими ўқитувчиларнинг малакасини оши-ришни такомиллаштириш лойиҳаси-нинг тақдими ўтказилди. Ушбу лойиҳа Ўзбекистон ва Япония ҳуку-матлари ўртасида 2004 йилнинг 23 ян-вариди имзоланган ноталар алмаши-нуви асосида амалга оширилди.

Лойиҳага асосан ўрта махсус касб-хўнар таълими тизимини қадрга малакасини оши-риш ва қайта тайёрлаш институти за-монавий босмахона ускуналари, компьютер техникаси билан жиҳозланди. Бундан таш-қари республикамиз вилоятларидаги 9 та касб-хўнар коллежлари қошида 16 та тай-ёрлов марказлари ташкил этилди. Мазкур марказлар замонавий ўқув лаборатория ускуналари билан жиҳозланди.

Албатта бугунги кунда Япония ҳукума-тининг мамлакатимизга ажратаяётган бега-раз молиявий ёрдами, турли ҳажмдаги грантлари аниқ мақсадларга қаратилгани-ни алоҳида таъкидлаш лозим. Бу лойиҳа-лар йилдан-йилга ўзининг амалий самар-асини бераётди. Ўтган давр ичида юри-тимиздаги юзлаб мактаблар, олий ўқув юрт-лари, шифохоналар кун чиқар мамлакат томонидан ажратилган замонавий техно-логиялар, энг сўнгги русумдаги компьютер-лар, ўқув жиҳозлари, тиббий асбоб-ускуна-лар билан таъминланди. Айниқса бу йўна-лишда таълим тизимига берилган эъти-бор тахсинга лойийдир.

— Мана ўн йилдирки Япония ҳукумати мамлакатимизга турли соҳалар ривожини кўзлаган ҳолда амалий кўмак бериб кела-ди, — деди Япониянинг мамлакатимиздаги Факултетида ва мухтор элчиси Юичи Кусу-мото. — Биз бу борада айниқса таълим ти-зимига алоҳида эътибор қаратаямиз. Чун-ки Ўзбекистонда, ҳам Японияда ҳам таъ-лим тизимининг ривожини муҳим аҳамият касб этади.

Ўрта махсус касб-хўнар таълими ўқит-увчиларининг малакасини оширишни тако-миллаштириш лойиҳасига асосан ўтган йил-дан бошлаб Япония компаниялари томо-нидан лойиҳага киритилган касб-хўнар кол-лежлари, ўрта махсус касб-хўнар таълими тизими кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш институтида кенг қўллашда ишлаб амалга оширилди.

Лойиҳанинг тақдимот муҳим бўғинини ташкил этадиган умумтаълим мактаб-ларига ҳам Япония ҳукуматининг турли ҳаж-мдаги грантлари ажратилмоқда. Ушбу гран-тлар мактаб ўқувчиларининг жаҳон ан-дозлари асосида билим олишларига қат-та қўлайлик яратмоқда.

Таълим тизимининг муҳим бўғинини ташкил этадиган умумтаълим мактаб-ларига ҳам Япония ҳукуматининг турли ҳаж-мдаги грантлари ажратилмоқда. Ушбу гран-тлар мактаб ўқувчиларининг жаҳон ан-дозлари асосида билим олишларига қат-та қўлайлик яратмоқда.

Алоудин ҒАҒФОРОВ,
"Туркистон-пресс"



Агарки ҳар қайси инсон, бу уй меники, бу шаҳар меники, бу юрт меники, у қандай обод бўлса — бу менинг бахтим ва бойлигим, деган фикр билан яшаса, биз ўз мақсад-муддаоларимизга шунчалик тезроқ етамиз.

Ислом КАРИМОВ

Муносабат

ЭЗГУЛИК УНСИН ИЗЛАРИМИЗДАН

● **Шарифа МУҲСИМОВА, пенсионер:** Кунни кеча бўлиб ўтган шаҳар Кенгаши сессиясини "ойнаи жаҳон" орқали кўриб, тўғриси юрагим тошиб кетди. Қани энди ёшликдаги куч-ғайрат қайтсаю бунёдкор халқимиз ёнида туриб мен ҳам ўз улушимни қўшсам деб ўйладим. Айниқса Юртбошимизнинг маърузаларидан қаттиқ таъсирландим.

Юрт истиқболи йўлидаги катта ишлардан ортиб Юртбошимиз ҳар бир маҳалладаги юмушлардан тортиб қайси кўчанинг таъмирга муҳтож эканлигидан ҳам хабардор эканлар. Бундан ҳар бир раҳбар, ҳар бир фуқаро ўзига тегишли ҳулоса чиқариб олиши керак. Ён-атрофимизда шундай одамлар яшашпти, шундай раҳбарлар борки, қилмишларидан, кибру хавосидан ёқа ушлайсан. "Қамтарга қамол, манманга завол" деган ибратли халқ нақлини унутиб қўйган "бойвачча" ларимиз қанча. Маҳалла дардини эшитгани хаёлига ҳам келтирмай, идорадан келиб кетадиган маҳалла оқсоқолларимиз қанча.

— "Хусусан, нафақа ва моддий ёрдам пулларини тақсимлашда адолатсизлик, таниш-билишчилик, порахўрлик ҳолатларига йўл қўйилганга нима дейиш мумкин? Бу маҳалла деган муқаддас маскани оёқ ости қилиш билан баробар эмасми?" деб Юртбошимиз куюниб гапирганларида кимларни, нималарни назарда тутганларини жуда яхши биларимиз. Мен узоқ йиллар эл саломатлиги йўлида меҳнат қилган фахрий, етти та фарзандни тарбиялаган она, 17 та набира, 3 та эваранинг бувиси бўлган, ҳаёт синовларида обдон пишган бир инсон мисолида айтмоқчи эдимки, кўзимизни сал теранроқ очиб

Маҳаллани ҳеч қайси бешқа давлатда мавжуд бўлмаган мамлакатимизнинг ижтимоий ҳимоя қилиш тизимидаги ягона фуқаролик институти десак адашмаган бўларимиз. Шунингдек маҳалланинг тарбия маскани сифатида ҳам ўрни беқийсдир.

Ибрат

"МАКТАБ-ОИЛА-МАҲАЛЛА" ҲАМКОРЛИГИ

Бугунги кунда фарзандларимиз таълим-тарбияси билан нафақат оила ёки мактаб шуғулланаётми, балки унга турли жамоат ташкилотлари қаторида маҳалла ўзининг салмоқли хиссасини қўшиб келмоқда.

Хамза туманидаги «Янгиобод» маҳалласи фаолларининг саъй-ҳаракатлари самараси ўлароқ бу ерда «Бир болага етти қўшни ота-она» деган нақл ҳар қандамда ўз ифодасини топган. Маҳаллада 2400 нафарга яқин аҳоли истиқомат қилади, шулардан 60 фоизга яқинини ёшлар ташкил қилади. Улар учун маҳаллада кўп имкониятлар яратилган, чунончи ўғил-қизлар бўш вақтини сермазун ўтказиши учун

турли йуналишда турлараклар фаолият юритмоқда. Бундай таҳсинга сазовор ишларга, албатта, ҳар доим маҳалла оқсоқоли Хурсанали Тожижамедов ҳос-қошидир. — «Сихат-саломатлик йили»нинг дастлабки ойлари биз учун жуда сермазун ва унумли кечмоқда, кўпгина режаларимизни вақтида амалга оширишга улгурдик, — дейди биз билан суҳбатда Хурсанали ака. — Маҳалламизда вояга етмаганлар билан ишлашда «Мактаб-оила-маҳалла» ҳамкорлиги изчил йўлга қўйилган. Қизларимизни оилага тайёрлаш борасида қўл уюштирилган «Оила зийнати» маркази ўз фаолиятини бошлади. Шу кунларда яна бир савоб-

Сергели туманидаги «Чоштепа» маҳалласи ҳақида ҳам мана шундай илиқ фикрларни айтишимиз мумкин. Тинчлик, осойишталик маскани бўлган ушбу мўъжазгина маҳаллада 5200 нафардан ортиқ етти-саккиз нафар миллат вакиллари ўзаро ҳамжиҳатлик, тинчлик-тотувликда яшаб келмоқдалар.

— Маҳалламиздаги озодлик, тинчлик-тотувлик, хайрли ва эзгу юмушларга ҳамма бирдек ўз хиссасини қўшади, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Дилором опа Бекназарова. — Худудимиздаги 835 та хонадон аҳлининг ҳар бирининг ҳолидан хабар олиш, кекса, ёрдамга муҳтож, ногирон инсонларга кўмак бериш йўлида ҳеч ким ўз ёрдамини аямайди.

Ўтган «Меҳр ва муруват йили»да айтиб ўтиш лозимки, кўплаб хайрли ва савобли ишларга қўл урилди, имкон қадар меҳрга ташна инсонларга моддий ва маънавий кўмак берилди. Қадр-қиммат бор жойда эса ишлар унумли, кўнгиллар хотиржам бўла-

2005 — Сихат-саломатлик йили


ХАЙРЛИ ИШЛАР ДАВОМ ЭТАДИ

Халқимиз азал-азалдан дўстлик, биродарликни ҳамма нарсадан устун қўйган мард, танги ва меҳмоннавоз. Мана шу ноёб хислати билан у бутун дунёга танилган. Бугунги кунда дийриқликда бир кўнгалдан ортиқ миллат вакиллари бир оиладек дўст-иноқ аётганлигини сири ҳам шундандир балки.

Биз ўз фаолиятимиз давомидида маҳалла хотин-қизлар комиссияси раиси Дилбар Мухаммадҷонова, побсонлар сардори Раҳим Ержонов ва фаоллар билан бамаслаҳат ҳар бир оиланинг оилавий шароити, моддий аҳволини ҳисобга олган ҳолда ёрдам кўрсатишга ҳаракат қиламиз. Айниқса яқинда маҳаллаларда жорий этилган диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи вазифасида иш олиб бораётган Фароғат Ҳасанованинг аёллар, вояга етмаган ёшлар билан фа-

олиги жуда самарали бўлмоқда. Ҳар бир байрам арафасида танлов ва тadbирлар ўтказиб, ўсиб келаётган аҳолига қўлайлик яратиш мақсадида Халқ банки филиалини худудимизда ишга тушириш каби қатор вазифаларни белгилаб олдик. Мақсадимиз, «Сихат-саломатлик йили»да бошланган хайрли ишларни давом эттириб, халқлар дўстлиги ва қардошлигини улуғлаган ҳолда фарзандларимизни жисмонан ва маънан соғлом қилиб вояга етказишдир.

Ўз муҳбиримиз



Собир Раҳимов туманидаги Чустий маҳалласида бир бора бўлган киши юқоридаги илиқ фикрлар бекорга келтирилмаганига гувоҳ бўлиши аниқ. Озода, саранжом-саршига, файзли бу ғайдада 4,500 нафар турли миллат аҳолиси ўзаро ҳамкор ҳамжиҳатликда яшаб келмоқдалар. Тўй ва маросимлар, хашару хайрия тadbирлари, ободонлаштириш юмушлари кўпчилик билан келишган, бир-бирларини қўллаб-қувватлаган ҳолда ўтказилди.

— Маҳалламиздаги тинчлик-тотувликнинг, жиноятчилик, турли оқимларга кириб қолиш каби кўнгилсиз ҳодисаларнинг содир бўлмаслиги аввало худудимиздаги аҳиллик, бир-бирдан хабардор бўлиш, ёрдамга муҳтож кекса-сайиб қолган, ногирон инсонларга ёрдам бериш каби бағри кенглик фазилатларига барчанинг амал қилишида деб биламан, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Калон Шодиев. — Юртимизда кенг нишонланадиган ҳар бир байрам, хайит, Мустақиллик, Хотира ва Қадрлар каби кўтлуг кунларда албатта меҳр-муҳаббатга, кўмакка муҳтож инсонлар йўқланмас. Мисол келтирадиган бўлсам, яқинда маҳаллада истиқомат қилувчи 40 нафар кам таъминланган, яқка-ёлғиз оила-

ларга хайрия тadbирини ўтказган бўлсак, 10 нафар ётиб қолган беморларнинг уйларига бориб қолган хабар олди, ҳаммаларига совға-саломлар, кийим-кечак, озик-овқат маҳсулотлари берилди. I-гуруҳ ногирони Санобар Егиталиевага ногиронлар аравачаси бепул берилди. Ушбу тadbирлар учун 500.000 сўм сарфланди. Туман хотин-қизлар қўмитаси ва Тошкент шаҳар «Соғлом авлод учун» таянч пункти ёрдамида маҳаллада истиқомат қилувчи туғиш ёшидаги аёлларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш ва уларга тиббий ёрдам кўрсатиш мақсадида 45 та аёл тиббий қўриқдан ўтказилди. Улардан 16 нафарига бепул тиббий ёрдам кўрсатилиб, дори-дармонлар, 6 нафарига давонлиги учун йўлланма берилди. 160 нафар ҳаммаҳалламиз Республика кўз касалликлари клиникасида қўриқдан ўтдилар, ногирон, кам таъминланган оилаларга бепул дори-дармон берилди, 3 таси эса операция қилинди.

АҲИЛЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИК МЕВАЛАРИ

Маҳалла — миллат кўзгуси, буюқ қадриятлар ва таълим-тарбия ўчоғи. Шу боис ҳам бу масканда яшовчилар бир-бирлари билан қанчалик тинч-тотув, дўст ва биродарликда яшашга интилсалар у шунчалик файзага тўлиб бораверадди. Кейинги йилларда тобора чирой очиб, нуфузи кўтарилиб бораётган маҳаллаларда олиб борилаётган хайрли ишларни кўрганда эса беихтиёр фақат ўзимизгагина хос бўлган ушбу ноёб тизимдан гурурланиб кетади киши.

хотин-қизлар фаолигини ошириш бўйича тadbир, учрашув ва анжуманлар ўтказилиб келинмоқда. Маҳаллада «Бибиқоним» номли хотин-қизлар клуби ташкил этилди. Бу клубга маҳалладаги фаол аёллардан тортиб тadbиркорликка интилаётган аёллар, 50 нафар ёш қизлар аъзо бўлишди. Аёллар ҳаракат дастури ишлаб чиқилиб, режа асосида иш олиб боришмоқда. Унда албатта аёлларни қизиқтирган барча масалаларни қамраб олишга ҳаракат қилинган, яъни ҳуқуқий оғв ва маданиятнинг ошириш, ёшларни оилага тайёрлаш, спортга, соғломлаштиришга жалб қилиш, тadbиркорликни нимадан бошлаш кераклигини тушунтириш мақсадида Тошкент шаҳар Тadbиркор аёллар уюшмаси билан келишилган ҳолда аёллар ўқуви ташкил этилган. Еттига йўналишда ёшларга касб-хунар ўргатаётган «Ширин-Санам» фирмасининг фаолияти ҳам диққатга сазовордир.

Ўтган йили 129 нафар кам таъминланган оилаларга 11.70000 сўм моддий ёрдам кўрсатилди, 2 ёшгача ёш боласи бўлган 54 та оиллага 620220 сўм, 18 ёшгача фарзанди бўлган 233 та оиллага 1606102 сўм нафақа пули берилди. Йил давомида уй-жой коммунал тўловлари бўйича 5 нафар оиланинг 55 миң сўм тўлови тўлаб берилди.

Маҳаллада ёшларни спортга, касб-хунарга жалб этиш, уларнинг бўш вақтларини бекорга ўтказмасликларини таъминлаш мақсадида «Мактаб-маҳалла» ларга доимий ёрдамини уюштириш, худудда кичик корхоналарни ташкил этиш, янги ишчи ўринларини яратиш, жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича побсон ва профилактика инспекторлари билан биргаликда яқиндан иш олиб бориш, мулкдорлар билан ширкатлар ўртасидаги шартнома, унинг маъмурий муҳияти бўйича аҳолига тушунтириш ишларини олиб бориш каби қатор хайрли мақсадлар қўзланган.



Кўп қаватли уйларда болажонларимизнинг жисмонан ва маънан соғлом бўлиб вояга етишлари учун барча шарт-шароитлар яратилмоқда.

«Умр оқар дарё» деган ибратли нақл бежизга айтилмаган. Кечагина бу кўҳна дунёга келганидан дарак бериб, «ингалаб» ота-она, дўсту ёрлари кўнглини шодлиғу қувончга тўлдирган жажжигина болажон бугун қаршигини талқон қилгудек алп қоматли йигит-қизга, зум ўтмай эса эзгу ва хайрли ишлари билан элда обрў-эътибор қозонган нуруний кексага айланади гўё. Дарҳақиқат инсон умри шунчалар тез, кўз очиб-юмгунча ўтиб кетар эканки, бу вақт ичида кимдир ўзидан яхши ному солиҳ фарзандлар, дунёларга татиғулик савобли юмушлар қолдирар, кимдир эса олтинга қийёсанган вақтингиз қадрга етмай ўтиб кетаркан.

Бугун биз қаламга олмоқчи бўлган инсон ҳам оиласи, жамоаси ва маҳалла-қўй ўртасида муносиб ҳурмату-эъзозга сазовор бўлган, илму тарбияси, одобу-андишаси, меҳру оқибати, ширинсўзлиги билан барчанинг муҳаббатини қозонган аёл, она, садақати умр йўлдоши, моҳир педагог Раъно опа Усмоновадир.

1945 йилнинг қиш ойида ўқитувчи Усмоновлар оиласида ўн фарзанднинг бири, қизларнинг тўнғичи дунёга келди. Унга яхши ният билан Раъно деб исм қўйдилар. Исми-жисмига монанд Раъно жуда ёшқилдан устоз-муаллимларга, отасига тақлид қилар, ўзидан кичикларга бурро тилда «дарс ўтар», билмай қолишса жону жаҳони қуйиб қайта-қайта тушунтириб беради. Йиллар гизиллаб ўтиб Раъно ўрта мактабни тугатиб Рус тили ва адабиёти институти (ҳозирги Ўзбекистон жаҳон тиллари университети)га ҳужжат топширди. Омади қулди-ми ёки тинимсиз ўқиб-ўргангани қўл келди ми энг биринчилар қаторида ўқишга қабул қилинди.

Орзуларни ушалиши йўлида-ми илқ қадамнинг муваффақият-

ли қўйилгани ушбу тиниб-тинчимас, илм олишга интилган кизгинанинг кейинги ҳаёт йўлини белгилаб берди. Раъно аъло баҳоларга ўқиди, устозлари ўғитини жон қулоғи билан тинглади, курсдошларидан ҳеч қачон ўз ёрдамини аямайди. Талабалик-

олий маълумотли, оилали, бола-чақали, жамиятимизнинг кенракли инсонлари. Унта набирам умрим давомчилари. Босиб ўтган йўлимга бир назар сола-

нинг олтин дамлари ўтиб у институтни имтиёзли тугаллаб 11-ўрта мактабда ўз иш фаолиятини бошлади. Тез кунда ўзининг тиришқоқлиги билан ҳамкасабларга бор меҳрини бағишлаган устоз-мураббий қатор йиллар жуда кўп илм даргоҳларида фаолият юритди, у Тошкент Давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети), Тошкент вилояти ўқитувчилар малакасини ошириш институти, А.Авлоний номидаги халқ таълими ходимларининг малакасини ошириш марказий институти, Ўрта махсус касб-хунар таълимини ривожлантириш институти каби олий таълим даргоҳларида ўш авлодга таълим-тарбия берди, уларнинг жамиятга керакли инсонлар қаторидан ўрин олишларига ўзининг муносиб хиссасини қўшди. У қаерда бўлмасин жонқуярлиги, билимдонлиги билан шоғирдларининг меҳрига, жамоанинг эса ҳурмат-эътиборига сазовор бўлди.

Илми инсон ҳеч қачон кам бўлмайди нақлини ўз ҳаёт йўлида татбиқ қилган Раъно опа оилада ҳам ушбу анъанасига содиқ қолди. Турмуш ўртоғи Тўлқин ака Тўлганов билан аҳил ва бахтли ҳаёт кечирди. Турт нафар фарзандини одоб-ахлоқли,

ману шуқроналик туяман. Умрим бесамар ўтмаганидан, ортимдан ёрғуз из қолаётганидан фахрланиб, кўнглим кўтарилиб кетади. Ҳаммага мана шундай кунлар насиб этишини тилайман.

Раъно опа билан узоқ йиллар бирга ишлаган инсонлар билан суҳбатда бўлсангиз, бу аёл умрига ҳавас қиласиз, тўла-тўқис бахт соҳибасига яна узоқ йиллар умргузаронлик қилишларини тилайсиз.

— Бирга ишлаган дамларимизни соғинч билан эслайман, — дейди 11-ўрта мактабнинг математика ўқитувчиси Меҳри Шукурова. — Раъно опа ҳаммамизга яқин ҳамкор, яхши маслаҳатчи, сирдош дўгона эдилар. Улардан жуда кўп нарса ўрганганмиз, айниқса ўз ишга-хунар таълимини ривожлантириш институти каби олий таълим даргоҳларида ўш авлодга таълим-тарбия берди, уларнинг жамиятга керакли инсонлар қаторидан ўрин олишларига ўзининг муносиб хиссасини қўшди. У қаерда бўлмасин жонқуярлиги, билимдонлиги билан шоғирдларининг меҳрига, жамоанинг эса ҳурмат-эътиборига сазовор бўлди.

Илми инсон ҳеч қачон кам бўлмайди нақлини ўз ҳаёт йўлида татбиқ қилган Раъно опа оилада ҳам ушбу анъанасига содиқ қолди. Турмуш ўртоғи Тўлқин ака Тўлганов билан аҳил ва бахтли ҳаёт кечирди. Турт нафар фарзандини одоб-ахлоқли,

Азиза МУҲСИМОВА, Шерзод ШУКУРОВ

Шарқ дурдоналари

03-03 ҲАҚИМНИНГ ДОНО БУЛДУ...

● **Бесабрлик одат бўлса инсонга, Отган ўки тегмас**

асло нишонга!

● **Ҳақимлар айтадилар:**

— Бирор иш юзасидан маслаҳатлашмоқчи бўлсанг битта оқил киши билан маслаҳатлаш, кўпчиликка айтилган маслаҳатли иш нуксондан холи бўлмайди.

Бир араб олими:

— Ақлдан улкан бойлик, нодонликдан катта бахтсизлик ва маслаҳатдан кучли суянчиқ йўқ! — деган эди.

● Сахий одам душманлик ва адоватдан қочган, ўз қалбига муҳаббат содоқатга йўл очган бўлади. Сахий киши мисдан ясалган кўзага ўхшайди: тез тайёрланади-ю аммо узок вақт ўз эгасига хизмат қилади. Очкўз киши сопол идишга ўхшайди: уни ясаш қийин, лекин узокқа етмай тез синади.

● Илмли киши ҳазина бўлса, унинг қалити саволдир. Савол билан илм ҳазинаси очилади ва ундан кўп нарса ўрганилади. Афлотун ҳақимдан:

— Шунча илми қандай ҳосил қилдинг? — деб сўрадилар.

У мулоҳаза билан жавоб беради:

— Илм ўқитган пайтларимда ёндирган чирок мойини ҳисобласанг еб-ичган нарсаларимдан кўпроқ бўлади. Бундан билиб олиш мумкинки, вақтни еб-ичиш ва ўйнаш кайфу сафога сарфлашдан кўра илмга сарфлаш зарурроқ экан.

● Кишиларга улардан аввалроқ салом беришга шошил, бу улғу кишиларнинг энг олий фазилатларидан бири бўлиб, камтарлик нишонларидан биридир.

● Хар ким билан, у қандай одам бўлишидан қатъи назар, очик юзлилик билан сўзлаш!
● Азизим, душманнинг уз-намо сўзларини эшитиб гурур отига минмагинки, у қанчалик тамаллук қилмасин, ялиниб ёлвормасин, барибир унинг сўзлари макру ҳийладан холи бўлмайди.

Адоват ниҳоли унинг сийнасида барқарор экан, бу ниҳоннинг меваси зарардан ўзга нарса бўлмайди.

Байт:

**Душманга ишонмоқ самараси ғам,
Фафлат туҳумини эккан тортажак алам!**

● Ҳақимнинг доно, ақл эгаси деб билган киши бир ишга киришишдан аввал агар у шу ишнинг устаси бўлган тақдирда ҳам бошқа кишилар билан маслаҳатлашадими. Чунки ўз ақлига бино қўйган киши адашади, ўз тадбирига ишонган киши тубанлик сари кетади.

● Ақли одам шундай одамки, қийин вазиятдан осонгина кутулиб кетади. Доно шундай одамки, қийин вазиятга асло тушмайди.

Хар бир халқнинг ақли ўз замонасига нисбатан бўлади. Ақли киши кадр қамол, нодон киши эса давлату мол қидиради.

Ва шу йўлда ўзини ўзи абор этиши ҳам ҳеч гап эмас.

Йиллар хотираларга бой бўлади. «Оқшом»нинг тарихида ҳам эслашга арзишлик қулғили, қайғули хотиралар кўп бўлган. Қайғули хотиралар баъзи ҳамкасб дўстларимизни эрта йўқотишдек муҳаббат хабар ёки уларнинг оиласи бошига тушган бирор бир оғир мусибат билан боғлиқ бўлса, қулғилилари эса жамоанинг кундалик қизиқарли ҳаёт тарзи билан боғлиқ бўлган воқеа ва ҳодисалардир.

«Оқшом» газеталарининг кекса авлоди деганда биринчи навбатда кўз ўнгимизга Михаил Савельев билан Дмитрий Теплов (хар иккаласи ҳам бугун орамизда йўқ) келади. Улар икки дўст, қадрдонлар эди. Бир-бирини бир кун кўрмаса кўнсаб қолишарди. Сухбатлари кизгин, баъзан эса нирҳояси тортишув билан тугарди. Лекин барҳа келишмовчиликлар беозор, кечирувчан бўларди. Агар бирор масала юзасидан улар ўртасида шундай ҳол рўй берса, орадан 10-15 дақиқа ўтар-ўтмас яна гўё ҳеч нарса бўлмагандек апоқ-чапоқ вазият ҳужм сурарди.

Ўртадаги келишмовчиликлар асосан шахмат тахтаси устида рўй беради. Михаил Фёдорович саннат бўлимини бошқарар, кўп меҳнат қилар, ишдан толиқиб, чарчаган вақтларида, масъул котиб Дмитрий Никитичнинг олдига (тушлик пайти) кириб келарди.

— Қалай Дима, беллашамизми? - дерди дўстини шахмат мусобақасига чорлаб.

— Ҳақимнингми? - дерди Теплов унинг асабини кўзгаб.

— Қани бошлайликчи кўрасан.

Мусобақа қизиқарли, хар бир дона суриш «нари тур-бери тур» билан ўтарди. Ким ютишидан қатъи назар якун мунозарали бўларди.

— Сен фалон жойда нотўғри юрдинг, - дерди Теплов.

— Ҳаммаси тўғри бўлди, ўйинни чидаганга чиқарган, - дерди Савельев.

Қолоқлик аламини тортиб ўтирган Тепловга бу сўз оғир ботиб жириллаб кетарди. Охири Савельевни иш юзасидан мот қилмоқчи бўларди.

— Нега шу вақтгача саҳифага материал топширмайсан?

— Бир саҳифага етарли мақола топширдимку. Яна мenden нимани сўраялсан?

— Биринчи бетга иккита ахборот бермадингку?

— Тушдан кейин топшираман.

— Йўқ, ҳозир топширасан. Мана кўр, сени деб биринчи бетнинг макетини чизолямаган. Бу нима деган гап. Қанчагина сени сийлаб ўтираман.

Михаил Фёдорович ёниб турган ўтга «керосин» селип чиқардида, бир зумда иккита ахборотни келтириб стол устига қўярди.

— Бўпти, раҳмат, - дерди Дмитрий Никитич бироз бўшашиб.

— Энди кечқурун шахмат суришимизга рози бўларсан.

— Майли кечгача ўрганиб тур, - дерди Теплов бўш келмай.

Бўлди шу билан дўстлар ўртасидаги «адovat» бир зумда кўтарилиб кетарди. «Оқшом»нинг 1979 йилги саҳифаларини варақлай туриб шу каби қизиқарли воқеаларни эсладик. Ҳақимлар билан маҳсули бўлган мақолаларни бирма-бир кўздан кечирдик. Чамалаб кўрсак ўшанда биз «Оқшом»чилар ҳамшахарларимизга манзур бўлган жуда кўплаб рухнарни ўйлаб топган эканмиз. Шулардан бири ҳеч шубҳасиз «Тошкент тарихидан юз лавах» деган рухн эди. Бу рухн остида шахримиз тарихига оид бўлган энг муҳим мавзуларни тилга олиб, уларнинг ўтмишини ёритиб беришга ҳаракат қилган эканмиз. Масалан, шу туркумга кирган биргина «Маҳалла ҳақида»ги 14-лавахани олиб кўрайлик. У шундай сўзлар билан бошланар эди. «Хар бир ўзбекдан сўраб кўринг. Маҳалла нима дегани? У чиройли табассум қиладида, ўз кўчасига жилмайиб назар ташлайди. У ерда турна қатор бинолар бўйлаб тераклар қад кўтариб турибди, шўх оқаётган ариқда ялангоёқ, баданлари офтоб нурида қорайган болалар чўмилишмоқда, унинг яқинидаги чойхонада эса ош дамланапти. Егочдан ўйиб ишланган эшикли ўйдан қувноқ овозлар эшитилади. Ана шуларнинг ҳаммасини бирма-бир назардан ўтказадиди, маҳалла - бу менинг жонажон ерим, қалбим, менинг киндик қоним тўқилган жойим, таянчим, менинг

қувончим ва меҳру-муҳаббатимдир», дейди.

Биз Тошкент тарихига қанчалик сўзур назар ташлаганимиз сайин маҳалла ҳаётини тез-тез учратаверамиз, ўн саккизинчи асрдаёқ бир тошкентлик иккинчиси сўраган уйни топишда ёрдам бераркан, чунончи Бешёғоч даҳаси, Тақачи маҳалласи деган. Шаҳар ўша вақтда тўрт даҳага бўлинган. Бу шаҳарнинг худудий ва маъмурий жиҳатдан бўлинган тўрт қисми - Бешёғоч, Себзор, Кўкча ва Шайхонтоҳур эди. Улар ўз навбатида яна маҳаллаларга - аҳолининг бошланғич ташкилотларига бўлиниб кетганди.

Маҳалла эса бундан 300 йил муқаддам бўлганидек ҳозирда ҳам жонли жиймой организм бўлиб, унда киши ўзини катта оиланинг ичиди, ягона қувонч, иш ва ташвишлар ичиди ҳис қилади. Хар бир маҳал-

Ҳиллар сағоси

«ОҚШОМ»НИНГ ЎТГАН КҮНЛАРИ ЎН ТЎРТИНЧИ ҲИКОЯ

ланинг ўз мачити, чойхонаси - дам оладиган, кўпчилик тўпганиб учрашадиган жойи бўлган. Хар бир маҳалланинг ўз номи ҳам бор эди. У ўша жойнинг характери ва хусусиятини акс эттирарди. Масалан, «Яккачўл» - якка дарахти маъносиди. Ёки аҳоли касби билан боғлиқ бўлган «Тақачи» - яъни темирчилар маҳалласи. Шунга ўхшаш машҳур кишилар, ёдгорлик жойлари, воқеалар билан боғлиқ маҳалла номлари ҳам бор. Масалан, ҳозирги «Пахтакор» стадиони яқинида «Қорёғди» маҳалласи бўлган. Бу биринчи қор ёқанда хотин-қизлар нишонлайдиган халқ байрами номи билан аталган. «Маҳаллада яшадигани, унинг қонуларини ҳурмат қил, унинг ишларида қатнаш», - катта оиланинг аъзолари учун бу қоида бўлиб қолганди. Бундай оиланинг бошлиғи бўлиши шарт. Бу бошлиқ энг тажрибали, доно киши бўлиб ҳамма унга сунади. У - оксоқолдир».

Мана шу сўзларнинг ўзиёқ «Оқшом» газеталарининг бугунги обод ва кўркам маҳалларимиз жамолини ва келажаги порлоқлигини олдиндан кўра-билганидан далолат эмасми? Шу билан бирга «Етти мўъжизанинг бири», «Нон - халқ бойлиги» ҳақида ҳар ойда бир марта ёритиладиган саҳифаларимиз ҳам муштарийларимиз қалбидан чўқур ўрин олганди.

«Оқшом» саҳифаларида ўша йилларда чоп этилган материаллар ҳақида гап борганда, Ҳамза театрининг (ҳозирги Миллий театр) 60 йиллиги муносабати билан чоп этилган саҳифани, «Ойбек ёзган мактублар», «Тошкент билан туташ манзиллар», «Тог эстадидаги қурилишлар» каби мақолаларни тилга олиб ўтмай бўлмайди. Зеро, бу рўйхатни яна истаганда давом эттириш мумкин эди.

Ўзбекистон санъат арбоби, ёзувчи ва публицист Абдуқаҳор Иброҳимов шундай эслайди.

«Ганпи Умар Ҳайёмнинг бир рубойисини келтиришдан бошламоқчиман..

Бир ғариб кўнглини

**қила олсанг шод,
Яхшидир Ер юзин қилгандан обод.
Лутфинг-ла бир дилини шод**

қила олсанг,

Афзалдир юз қулни қилгандан овоз.

Шу фалсафадан келиб чиқиб фикр юритсак «Оқшом» газеталари умри давомида миллион-миллион муштарийларнинг, минглаб муаллифларнинг кўнглини шод қилганига иймоним қомил. Шулардан бири ўзимман. Ҳам газетхон, ҳам адиб сифатида «Тошкент оқшоми»ни муттасил ўқиб келаман. Уни кўздан кечирмаган куним кўнглим чигил бўлади, хумориси тутайди. Табба, газетанинг хумориси тутайди-я. «Кишини сарҳуш этувчи мисраларнинг, чунончи, ичкиликнинг хумориси тутайди, дейиш мумкин, бироқ газетанинг хумориси тутуши муболага» дегувчилар топилиши турган гап. Хуллас, «Тошкент оқшоми»ни мунтазам кўздан кечириб шунчалик ўрганиб, одатланиб кетибманки, мана энди хумориси тутадиган бўлиб қолибди. Бу ўринда сўз, албатта, маънавият ҳақида «Оқшом» берадиган маънавий озуқа ҳақида бораётим.

Севимли газетамизни кунда ўқимаса туролмайдиган, кўздан кечирган, хумори ёзилмайдиган муштарийлар бу газетасиз пойтахтимиз маданий ҳаётини тасаввур қилолмайдилар, албатта. Тошкентнинг пойтахт шаҳар эканини, Ўзбекистоннинг бошкети эканини билдирувчи омилардан бири оқшомини нурафшон этувчи «Тошкент оқшоми» борлиги деб биламан.

Газета Ўзбекистон вақтли матбуот нашрлари орасида етакчилик қилганлардан бири десам янглишмайман. Бу фикримга Абдулла Қаҳҳор вафоти муносабати билан шоир Шухрат, олим Озод Шарафиддиновларнинг чиқишларини мисол қилиб келтиришим мумкин. Хар қандай нашрнинг муваффақияти бош муҳаррирга боғлиқ албатта. Сабаби, нашрнинг тугилиши ва унинг дастлабки қадамлари талабчиси кўпроқ бош муҳаррир измидадир.

Изм эса инсон иродасига боғлиқ. Ирода юракка, юракнинг қудратига, борингки инсоннинг табиғатига боғлиқ. «Тошкент оқшоми»га биринчи бош муҳаррир бўлиб келган асли адабиёт ўқитувчиси, моҳир журналист, мард ва ижобий маънадога ўжар одам, яхши ташкилотчи Саъдулла Кароматовнинг тасдиқлангани кўп жиҳатдан бу нашрнинг ўз қиёфасига эга бўлишини белгиллаб берди.

Газетада давом этиб келаётган энг яхши анъаналар ўша кезлари бошланган эди, деб дадил айта оламиз.

Маълумки, газетани ўқимишли қилувчи асосий омилардан бири бу адабиёт ва санъат бўлимидир. «Тошкент оқшоми» қаламкашлар учун ҳам ижодий майдон, ҳам ижодий мактаб бўлиб келаётди. Мен 70-йилларда ушбу газетада кўплаб ҳикоя, очерк ва мақолаларни босилганлиги билан фахрланаман, ўша кунларни ҳаётимнинг энг гўзал онларидан бири деб биламан.

Газетанинг муваффақиятидан бири биз «Оқшом»чилар ўртасида ҳаммиса барқарор адолат ҳўкм сўраганидан бўлса ҳам ажаб эмас. Мисол тариқасида бир воқеани келтиришимиз мумкин. Ҳақимларда уй-жой ва машина олиш муаммоси анча оғирчилик билан ҳал этиларди. Бу хар иккала масалда бир неча йиллаб навбат кутишга тўғри келарди. Икки-уч йилда бир келадиган уй-жой ёки машина ходимлар ўртасида навбати билан тақсимлангани анъанавга айлиниб қолган эди.

Ҳеч эсимдан чиқмайди. Машина олиш рўйхатида беш киши ёзилган эканмиз. Булар - Ўткир Ҳошимов, Тўлқин Расулев, Раҳматилла Файзуллаев, Мурод Абдуллаев ва мен. Рўйхат бўйича навбат каминга келганди. Бош муҳаррир Саъдулла Кароматов барча рўйхатда турганларни хузурига тақдир қилди. Хонага кириб жойлашиб олганимиздан сўнг у бизга битта «Жигули» машинаси келганини айтиб, ҳаммамизни бирма-бир сўроққа тутди. «Танлов»дан Тўлқин Расулев, Мурод Абдуллаев ўтолмади. Ўртада уч киши қолди. Ўткир ака, Раҳматилла ака ва мен.

Талашиб-тортишиб бошланди. Саъдулла ака хар биримизнинг сўзимизни диққат билан тинглади. Узининг ўрнили маслаҳатларини берди. Ва ниҳоят «Боринглар, эртага сизларга руҳсат. Машинани ким олишини ўзаро фикрлашиб, бир қарорга келганларингиздан сўнг хузурига киришар» деб бизни чиқариб юборди.

Айтилган вақтда учовимиз бош муҳаррир хузурига кирдик.

— Ишонаманки, масалани адолатли ҳал қилгансизлар, - деди Саъдулла ака барчамизга бирма-бир қараб.

Ўткир ака гап бошлади. «Очигини айтганда, машина Маҳмуджонники, лекин Раҳматиллага берилмайдиган бўлса ундан олдин мен навбатда турибман, мен олдим керак.

Раҳматилла Файзуллаев ҳам шунақа гапни айтиди..

— Баракалла, - деди Саъдулла ака. — Навбат Комилжоновники. Машинани у олади. Мен атайлаб бир-бирларингизга гинахонлик қилиб юрманглар, деб сизларни йиғиб, масалани ўртага ташлаган эдим. Ишни адолатли ҳал этибсизлар, бунинг учун раҳмат.

Хуллас, хотиралар бир дунё. Юкорида айтганимиздек афсуски уларнинг барчасини бир ўтиришда қозоғга туширишини ложи йўқ.

Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ

УНУТИЛМАС ЙЎЛЛАР

Республика киночилар уйида «Унутилмас йўллар» мавзусида кино кунлари бошланди. Тадбир иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 60 йиллиги ҳамда 9 май — Хотира ва Қадрлаш кунига бағишланди.

Тадбирда сўзга чиққанлар, давлатимиз раҳбари Ислам Каримов ташаббуси билан халқимизнинг Ватан озодлиги ва мустақиллиги учун жон фидо этган фарзандлари хотирасини абадийлаштириш, эл-юртимиз обрўсини янада юксалтиришга хисса қўшаётган фахрийларнинг ҳурмати-ни жойига қўйиш мақсадида, бир неча йилдирки, мамлакатимизда 9 май — Хотира ва Қадрлаш кунини сифатида кенг нишонланаётганини таъкидладилар. Зеро, бу нафақат жанг майдонларида қурбон бўлганларни хотирлаш, балки фронт ортида фидокорона меҳнат қилган отахон ва онахонларимизга иззат-икром кўрсатиш, мустақил Ўзбекистон тараққиётига ўз улушини қўшиб келаётган фахрийларимизни ардоқлаш борасида олиб борилаётган хайрли ишларнинг яна бир ёрқин далилидир.

Иккинчи жаҳон урушида эришилган ғалабада Ўзбекистон аҳлининг ҳам муносиб хиссаси бор. Юртнинг минглаб асл фарзандлари фронтда фидокорона жанг қилган кезларда халқимиз уруш азобини чеккан миллионлаб кишиларни ўз фарзандлик бағрига олган. Тарихнинг ана шундай унутилмас йўллари кино усталари томонидан яратилган кўнраб экран асарларида ҳам ўз аксини топган.

7 майга қадар давом этадиган мазкур ўзига хос кино фестивалида ўзбекистонлик киночилар суратга олган фильмлар билан бирга хорижий давлатларда тасвирга туширилган картиналар ҳам намойиш этилади.

Кино кунлари ўзбекистонлик кино усталари яратган «Уруш...уруш ортида» мавзусидаги ҳужжатли фильм намойиши билан бошланди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири

«ТУРКИСТОН ТЎПЛАМИ»ДА ТОШКЕНТ ТАРИХИ

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонасининг «Нодир китоблар ва шарҳ қўлёзма асарлар» бўлимида жуда эҳтиёткорлик билан сақланиб келинаётган ва кўп сонли тадқиқотчилар ва олимларнинг эътиборини ўзига жалб этадиган халқаро тарихий ва илмий аҳамиятга молик бўлган «Туркистон тўплами» алоҳида аҳамият касб этади. Тарихий илмий тўплам ҳаммаси бўлиб, 594 жилддан иборат бўлиб, 1867-1916 йилларда чоп этилган китоб, журнал ва газеталардан олинган тарихий материаллар асосида тuzилган.

Ўрта Осиё, айниқса Туркистон ўлкасига доир асарлар ва мақолалар тўпламида рус, инглиз, француз, немис, испан, италия, лотин ва араб тилларида чикарилган газета ва журналлардан олинган илмий мақолалар ҳамда қизиқарли ва қимматли маълумотлар жамланган. Ушбу ноёб тўпламга кирган 10 мингдан ортик мақола ва асарлар, жумладан Ўрта Осиёнинг чор Россияси томонидан босиб олинishi, ўлканинг ижтимоий-маданий ҳаёти, иқтисодий аҳоли, иқлими, табиати, ҳайвонот дунёси, сув иншоотлари, дарё ва кўллари, деҳқончилик, бағдорчилик, ер ости қазилма бойликлари, чорвачилик, балиқчилик ва овчилик, шунингдек, хориж хабарлари, маҳаллий ахборотлар ва бошқалар ҳақида қимматли ва қизиқарли маъналар бор. Булардан ташқари тўпламда ерли аҳолининг маданияти, турмуш тарзи, урф-одатлари, миллий муносабатлари, элшунослик лавҳалари, хунармандчилик турлари ва ишлаб чиқариш усули, савдо алоқалари, рус ва хорижий сайёҳларнинг ёзиб қолдирган кундаликлари, тарихий ва илмий аҳамиятга молик бўлган географик маълумотлар, археологик текширишлар, кузатишлар, қазилмалар ва уларнинг натижалари ва бошқа тарихий асарлар урин олган. Самарканд, Хива, Термиз, Кўкчи, Қарши, Шахрисабз, Тошкент шаҳарларидаги тарихий жойлар ва тарихий меъморий обидалар, туپроқ, остида қолиб кетган қадимий тепалар, сарой харобалари, қолдиқлари, сув иншоотлари, қўлоқчилик хумдонлари, чўл зоналаридаги карвонсарой, сардоба ва қудуқ харобалари, кўнраб тарихий бинолар ҳақида қимматли маълумот

лар бор. Туркистон ўлкасининг ўтмиш тарихи ҳақида баъзи бир рус ва маҳаллий тарихчиларнинг асарларидан парчалар, 1895 йилда ташкил этилиб, 1916 йилгача фаолият кўрсатиб келган Туркистон археологик хаваскорлари тўрагаги илмий-маъмуот ташкилоти ёдгорлигининг ўлкадаги қадимий ёдгорликлар, шарҳ қўлёзмалари, тангашуносликка доир тўплаган маълумотлар ҳам Туркистон тўпламидан ўрин олган. Ушбу тўпламда XIX асрнинг 70-90 йиллари ҳамда XX аср бошларида Туркистон ўлка тарихи, меъморий ёдгорликларини ўрганган Акрам Асаров, Абу Саид Маҳзум, Мирзо Абдулла Бухорий, Мирзо Абдураҳмон, Мирзо Барот Қосимов, Хожи Юсуф Мирфайёзов, Исмомил Ёқубжонов сингари ўнлаб маҳаллий зиёлилар, тарихчи олимлар фаолияти ҳақида ҳам қимматли маълумотлар бор.

Бу тарихий Туркистон тўпламида Афғонистон, Хиндистон, Эрон, Туркия, Хитой, Мугулистон, Шарқий Туркистон ва бошқа Осиё мамлакатларига доир турли хил маълумотлар борлиги, унинг халқаро илмий аҳамиятини янада оширади.

Туркистон тўпламида Тошкент шаҳри ва унинг ўтмиш тарихига доир материаллар кўнраб жамланган. Жумладан тўпلامнинг 1-7 ҳамда 116, 123, 124-жилдларида XIX асрнинг 60 йилларидаги тартиб то XX асрнинг 16-йилларидаги бўлган тарихий материаллар жамланган. Юқорида кўрсатилган жилдларда Тошкентнинг географик жойлашуви, унинг муस्ताҳкам мудофаа девори, 12 дарвозаси ва унинг номлашиши, ўрда ва унинг тузилиши ва жойлашиши, 1866 йилда Тошкент шаҳрида 64.416 киши яшаганлиги,

турар жойлар сони 9483 та бўлганлиги кўрсатилган.

Шунингдек, Тошкентнинг 4 даҳага, қисмага бўлинганлиги ундаги ҳовли-жойлар, маҳаллалар, аҳолисининг машғулотли, уй-жойларнинг тузилиши, шаҳар ичи ва ташқаридаги боғу-роғлар, тарихий меъморий обидалар, қабристонлар, сугориш иншоотлари ва бошқа томонлари батафсил ёритилган. Агар шаҳарнинг тўрт даҳасини ўрганган бўлсак, унда ушбу маълумотларга қўзимиз тушади.

Бешёғоч даҳасида 32 та маҳалла, 1400 та уй-жой, 12450 аҳоли, 3 та мадраса, 68 та масжид бўлган, аҳолисини бинокорлик, гишт тайёрлаш, савдо, хунармандчилик, боғдорчилик билан машғул.

Кўкча даҳасида 31 та маҳалла, 2511 уй-жой, 2088 аҳоли, 51 та масжид, 2 та мадраса, 34 та мактаб, 18 та қабристон, 695 та кўнчилик устaxonаси, 341 та чармгарлик устaxonаси, 218 та пойабзал устaxonаси, 6 та гишт заводи, 7 та қўлоқчилик, 22 та тегирум ва бошқа хунармандчилик қорхоналари бўлган. Даҳа аҳолисининг кўпчилиги деҳқончилик ва боғдорчилик билан шугулланган.

Себзор даҳасида 38 та маҳалла, улар сони 2230 та, аҳолисини 18.650 киши, 3 та мадраса, 10 та катта-кичик масжид, шунингдек, хунармандчилик устaxonалари бўлган.

Шайхонтохур даҳасида 48 та маҳалла, 60 та масжид, 3 та мадраса, 10 та мактаб, аҳолисини 10.194 киши бўлган. 1870 йил маълумотига кўра даҳада 567 та тўқувчилик, 3 та заргарлик, 60 та дурадгорлик, 4 та мисгарлик, 18 та эгарзорлик, 6 та деярлар, 3 та буюқчилик ва

бошқа турдаги хунармандчилик қорхоналари фаолият кўрсатган.

Даҳада 653 таноб боғдорчилик, 1896 таноб ерга шולי экилган. Шайхонтохурлик хунармандларнинг махсулотлари сифатли бўлган, кўргазмаларда юқори баҳоланган. Тарихий бинолар, яъни масжид ва мадрасалар хусусида тўхталадиган бўлса, масжид 300 дан ортик, 17 та мадраса ва бир неча мақбаралар бўлган. Бу мадрасалар қачон ва ким томонидан қурилган, неча хўжраси ва ўқувчиси бўлган, булар кўрсатилган.

Тошкентнинг савдо-сотик ишлари ҳам ушбу тўпламда яхши ёритилган. Жумладан, Эски шаҳар бозорида 29 та карвонсарой бўлиб, улар кимларга қарашли, уларда нималар кўпроқ сотиладиган булар кўрсатилган. Шунингдек, бозор майдонларида қанча дўкон жойлашган (улар беш мингга яқин) ва бу ерда қандай товар сотиладиган шу ҳақида ҳам маълумотлар мавжуд.

Туркистон тўпламининг 5 жилдида Эски шаҳар бозорида 4548 дан ортик дўконларда сотиладиган товарлар кўрсатилган. Бухородан Тошкентга ҳар йили 100 минг, Қирғизистондан 200 минглаб (1864-65 й), Қўқондан 100 мингга яқин кўй ҳайдаб келиниб сотилган. Шундай қилиб, Тошкентнинг йиллик савдо айланими 10 миллион сўмини ташкил этган. Туркистон тўпламининг 24 ва 116-жилдларида «Тошкент очеркчлари» берилган, унда жуда кўп муҳим ва қимматли маълумотлар бор.

Хулоса қилиб айтганда Туркистон тўплами батафсил ўрганишга арийдиган қатта бир тарихий-илмий ҳазинадир.

Рашид БОЙТЎЛАЕВ

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР

Тошкент шаҳар ҳокимияти Ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳар Ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 4 октябрдаги № 400-сон «Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари учун педагог кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига биноан Тошкент юридик коллежига директорлик лавозимига танлов эълон қилади.

Танловда илмий даража (илмий унвон)ли ёки педагогик (касбий таълим) ёки таълим муассасасининг йўналиши бўйича олий маълумотли мутахассислар иштирок этишлари мумкин.

Танловда иштирок этишни хоҳловчилар қуйидаги ҳужжатлар тақдим этадилар:

1. Бошқарма бошлиғи номига ариза
2. Тавсиянома
3. Сўровнома
4. Таржимаи ҳол
5. Маълумоти ҳақида ҳужжатлар асл нусхаси
6. Илмий даража ва илмий унвонлари ҳақидаги ҳужжатларнинг нусхалари (мавжуд бўлса)
7. Илмий-услубий ишлар ва ихтиролар рўйхати (мавжуд бўлса)
8. 3x4 ўлчамли 6 дона фотосурат
9. Номзоднинг таълим муассасасига бўлажак раҳбарлик фаолияти бўйича ихтиёрий шаклда ёзилган режаси (концепция). Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади.

Манзил: Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, Пўшкун кўчаси, 7-уй.

Мурожаат учун телефонлар: 136-05-01, 133-80-34.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР

Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника хижатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими томонидан ваколатли органлар қарорларига асосан давлат даромадига ўтказиш ва қарз ҳисобига ундиришлик учун хатланиб банд солинган қуйидаги автоматотранспорт воситаларининг очик кимшоди савдоси ўтказилади.

2005 йил 13 май кунини қуйидаги автоматотранспорт воситаларининг кимшоди савдолари ўтказилади:

1. «Зил-138А» автомобили, 1985 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 10 X 90-13, бошланғич нархи 939 100 сўм, техник носоз;
2. «Тико» автомобили, 1996 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 17 А 78-45, бошланғич нархи 528 156 сўм, техник носоз.

2005 йил 3 июнь кунини қуйидаги автоматотранспорт воситасининг кимшоди савдоси ўтказилади:

1. «Нексия» автомобили, 2000 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақам белгиси 22 Е 72-54, бошланғич нархи 2 007 461 сўм, техник носоз.

Кимшоди савдолари соат 16-00да бошланади.

Савдода иштирок этишга ариза қабул қилиш кимшоди савдоси эълон қилингандан 3 кун аввал тўхтатилади.

Кимшоди савдоси суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника хижатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бўлими биносига ўтказилади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Усмон Юсупов кўчаси, 3-уй, 2-қават.

Маълумот учун телефонлар: 144-54-08,

41-16-38.

Хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари ҳамда тадбиркорлар ДИҚҚАТИГА!

Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгагининг Тошкент шаҳри бўйича ҳудудий комиссияси қошида «Ишонч телефони» фаолият кўрсатмоқда.

Сизнинг қорхонангизда турли назорат органлари томонидан ўтказилаётган текширишларнинг қонунийлиги ҳақида шубҳалансангиз қуйидаги телефонларга мурожаат қилишингизни сўраймиз:
133-15-32, 139-05-57,
55-67-42, 55-19-73.

Футбол

ХАЙРЛИ ТАДБИР

Келажагимиз ворислари — болаларимиз ўртасида футболни оммалаштириш мақсадида юртимизда ўзига хос ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Ўзбекистон футбол федерацияси ташаббуси билан шаҳримизда «Осиё болаларининг футбол фестивали» тадбири бошланди. 1982 йилда туғилган ўсмирлар жамоалари ўртасида ўтказилаётган беллашуларда Ўзбекистон терма жамоасини иқтидорли мураббий Роберт Гой бошқармоқда. Шунингдек, турнирда Эрон, Хиндистон, Туркменистон, Қирғизистон, Тожикистон терма жамоалари ҳам голиблик учун кураш олиб боришмоқда.

Ушбу турнир 7 майга қадар давом этади.

ДАРВОЗАЛАР ДАХЛСИЗ ҚОЛДИ

Мамлакат XIV миллий чемпионатининг бешинчи тур баҳслари пешқадим жамоаларга омад келтирмади.

Ўзбекистон чемпиони «Пахтакор» жамоаси футболчилари ушбу турда Муборак шаҳрида «Машъал» клуби чарм тўп усталарига қарши баҳс юритишди. Шунингдек, биринчилик бошланганидан буюн рақибларини йирик ҳисобдаги галабалар билан энгиб турнир жадвалининг энг юқори поғонасини эгалаб келаятган пахтакорчилар бу сафар ҳам галаба қозонишди, деб тахмин қилинганди. Чунки аввалги йилги чемпионат беллашуларида ҳам тошкентликларни энгшиш у ёқда турсин, ҳатто дуранг натижа қайд этиш бошқа жамоаларга осон кечмаган эди.

Бу гал эса ушбу «анъана»га чек қўйилди. «Машъал» жамоаси футболчилари пахтакорчиларга муносиб қаршилик кўрсата олишди. Агамуродов шогирдлари қанчалик теозор, ҳужумкор, комбинацион ўйин намойиш этишмасин, меҳмонлар дарвозасини аниқ нишонга олишнинг уддасидан чиқолмади. Шу ўринда мезбонлар томонидан ҳам хавфли ҳужумлар, чиройли комбинациялар уюштирилганлигини таъкидлаб ўтиш лозим. Хуллас, 90 дақиқа давом этган мurosасиз баҳсда томонлар мurosа йўлини таллашди ва жанговар дурангга рози бўлишди.

Учрашув 0:0 ҳисобида яқунлаиб «Пахтакор» муҳим икки очкодан маҳрум бўлди.

Қолган учрашувлар қуйидагича яқунланди: «Навбахор» — «Буҳоро» — 2:0, «Трактор» — «Тупаланг» — 0:3, «Сўғдиёна» — «Самарқанд» — «Динамо» — 1:0, «Қизилқум» — «Металлург» — 2:1, «Насаф» — «Нефтчи» — 2:1.

Навбатдаги 6-тур учрашувлари 5,6,7-май кунлари бўлиб ўтади.

Анвар ЙЎЛЧИЕВ

Педиатрия илмий-текшириш институти ва клиникаси жамоалари катта илмий ходим С.К. Юсуповнинг отаси **Қаҳор Юсупович Юсуповнинг** вафот этганини муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва қариндошларига чуқур ҳамдардлик билдирадилар.



Шаҳримиздаги «Пахтакор» марказий стадионида икки кун давомида 1986-1987 йилларда туғилган ўсмирлар ва қизлар ўртасида энгил атлетика бўйича Ўзбекистон биринчилиги баҳслари бўлиб ўтди.

Мусобақада Самарқанд, Навоий, Наманган, Қашқадарё, Сирдарё, Андижон, Тошкент вилоятлари ва пойтахтлик жами 263 нафар ёш энгил атлетикачилар ўз куч-маҳоратларини намойиш этишди.

Биринчилик Низомига кўра вилоятлар терма жамоалари икки гуруҳга бўлинган ҳолда куч синашишди. Биринчи гуруҳдан Тошкент-1, Самарқанд, Сирдарё вилоятла-

Истиклол, хуррият ҳақидаги тароналарни, дилтортар мусикаларни тинглаши ҳаммамиз ҳам яхши кўрамиз. Қувонарлиси Республикада санъатга шайдо ёшларнинг маҳорати синаб, истеъдодини намойиш этиши учун кўрик-танловларнинг ўтказилиши анъанага айланмоқда.

Танловлар

ВАТАННИ МАДХ ЭТУВЧИ ҚЎШИҚЛАР

Яқинда Шайхонтоҳур туман ҳокимлиги, Маданият ва спорт ишлари туман бўлими ташаббуси билан Ўзбек Миллий академик драма театрида «Ўзбекистон қўшиқ байрами» кўрик-танловининг Шайхонтоҳур туман босқичи бўлиб ўтди.

Анъанавий тарзда ўтказилиб келинаётган танловда Шайхонтоҳур туманидаги барча мусиқа мактаблари, Ибн Сино, Алишер Навоий номидаги ҳамда 3-сон маданият уйлариининг бадийи жамоалари, санъат шинавандалари иштирок этидилар. Танловда ёш санъат иҳлосмандлари Ватан, она диёр, Истиклол, тинчлик, баркамоллик мавзуларидаги қўшиқларни дилдан жўшиб куйлашди.

Айниқса, 23-сон болалар мусиқа мактабининг хор жамоаси ижросидаги (раҳбар Светлана Абдушукурова, Диёра Бабашева) «Мустақиллик», шунингдек, 7-сон санъат мактабидан Феруза Исматова ҳамда Нозима Пулатовалар ижросидаги «Тошкент қизлари» қўшиқлари йиғилганларга манзур бўлди.

Танлов сўнида ҳайъат аъзолари томонидан голиблар аниқланди. 3-сон маданият уйи қатнашчиси Дилфуза Солибекова биринчи ўринга сазовор бўлди. А.Навоий номидаги маданият уйи қатнашчиси Дилшод Жўраев ва 23-сон маданият уйи қатнашчиси Нозима Пулатоваларга иккинчи ўрин насиб этди. Эндилликда голиб ўқувчилар «Ўзбекистон қўшиқ байрами» кўрик-танловининг шаҳар босқичига йўланма олишди.

Танлов голиблари ва қатнашчиларига Фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари топширилди.

ЮДУЗ РИЗАЕВА

Энгил атлетика

ШАҲРИМИЗ ВАКИЛЛАРИ БИРИНЧИ

ри ҳамда Тошкент-2 жамоалари ўрин олган бўлса, иккинчи гуруҳда Наманган, Навоий ва Қашқадарё вилоятлари вакиллари ўзаро куч синашишди.

Ўзбекистон биринчилиги баҳслари энгил атлетиканинг югуриш, эстафета, баландликка, узунликка, уч ҳатлаб сакраш, ядро, диск, боскон, найза улоқтириш каби турлари бўйича бўлиб ўтди.

Голиб ва совриндорлар сони кўпчиликини ташкил этгани учун қуйида фақат ўсмирлар ва қизлар ўртасида хурмат шохсупасининг энг юқори поғонасидан жой олган ҳамшаҳарларимизнинг номларини келтириб ўтамиз.

Ўсмирлар ўртасида қисқа масофалар — 100 ва 200 метрга югуриш бўйича А.Мустафинга тенг келадиганлар топилмади. Узунликка сакрашда Т.Моисеенко, диск улоқтиришда Н.Хромов, найза улоқтириш баҳсида А.Смагулов, босқонни узокқа отишда эса И.Рукоделовга тенг келадиганлар топилмади.

Қизлар баҳсида ҳам 100 ҳамда 200 метрга югуришда А.Шахворостовага омад куйиб боқди. Н.Дусанова баландликка сакраш, Л.Бистричова эса узунликка сакраш-

да Ўзбекистон чемпионлари бўлишди. О.Кот билан боскон улоқтириш бўйича маҳорат бобида ҳеч ким беллаша олмади.

Умумжамоа ҳисобида биринчи гуруҳда Тошкент-1, иккинчи гуруҳда эса Наманган



вилояти жамоалари голиб бўлди. Мусобақа голиб ва совриндорларига дипломлар ҳамда қимматбаҳо совғалар топширилди.

(Ўз муҳбиримиз)

СУРАТЛАРДА: энгил атлетика бўйича Ўзбекистон биринчилигидан лавҳалар.

Алексей Попов олган суратлар.

Мунажжим башорати

САЛОМАТЛИГИНГИЗНИ АСРАБ-АВАЙЛАНГ

4 МАЙ, ЧОРШАНБА

Ҳа, мунажжимлар бугун таваккал қилишни маслаҳат беришмайди. Ҳар ишда эҳтиёткор бўлиш, саломатлигингизни асраб-авайлаш тавсия этилади. Шунингдек, бугун ортиқча ҳовлиқиш, сергапликка ҳам ўрин йўқ. Имкон қадар ҳориб-чарчашдан ва ёлгон вазьалардан ҳам тийилиш керак. Техника билан эҳтиёткорларча муносабатда бўлиш, автомобилнингиз мотори ўт олмаса, уни минмай қўя қолганингиз маъқул.

Ой сайёрасининг Тошкент вақти билан соат 11.23 дан то 22.37 гача йўналишсиз ҳолатда бўлишининг айнақса ўзини боса олмайдиган кишиларга салбий таъсир этиши юқоридегиларни тақозо этади. Шу вақт оралиғида нохуш можаролар, ҳатто бир-бирини дўппослашгача бориб етиш мумкин. Муҳими, бундай ҳолатлар жиддий сабабларсиз - эҳтиётсизлик билан айтилган бир-икки оғиз қўпол сўздан келиб чиқиши мумкин.

Ортиқча уриниш, куч-ғайратини беҳуда сарфлаш ҳам нохуш ҳолатларга олиб боради. Яна бугун гапиришдан кўра кўпроқ эшитиш маъқул ҳисобланади. Бугун туғилганлар учун бу гаплар айниқса кўпроқ таълуқли. Ёмон кайфиятга берилмай, ўзингизни асранг. Жанжаллашманг, пул билан болғиқ ишларни бошқа кунга қолдириг.

Айни пайтда шу нарса ҳам ёдингизда бўлсинки, Қуёш ва Марс ўртасидаги ижодий эркинлик жабҳалари ҳар қандай қутилмаган вазиятларда дадил иш кўришингизга шароит яратди. Кечқурун меҳмон қаҳиринг, ўзингиз ёқтирган кишилар даврасида бўлиш

хайрли бўлади.

Ялтироқ ёҳуд рангдор тошни топиб олиш ёки қутилмаганда қўлингизга қандайдир пул тушиши бугунги кун учун яхшилик аломати ҳисобланади. Зеро, булар олий қудрат ҳимоясида эканлигингизга далолатдир. Қалит ва майда пулларни йўқотиш, шунингдек, синган эшик, кийимнинг йиртилиши эса, нохуш ҳолатлардан огоҳлантириш демакдир.

Бош, асаб тизими ва кўзлар бугун анча заифлашган бўлиб, қаттиқ заруратсиз тишларингизни даволатиш ёки олдиришга уринманг. Кўз ва буйрак операцияларини кейинроққа қолдириг. Бемор ва дармонсиз кишилар бугун кўпроқ ухлаб, дам олганлари маъқул.

БУГУН:

- иложи бўлса, дам олшини давом эттириш;
- эртага қолдириб бўлмайдиган ишлар билан, шунда ҳам ортиқча зўриқларсиз машғул бўлиш;
- яқинларингиз ва ўзингиз ёқтирган кишилар билангина мулоқотда бўлиш;
- ўз интеллектуал қувватингиз ва ижодий имкониятларингиздан тўлароқ фойдаланиш;
- кийим-кечак ва пойабзалларингизни тартибга келтириш, тикши-бичиш ишлари билан машғул бўлиш;
- биринчи навбатда ўз устингизда қайғуриш тавсия этилади.
- Янги ишларни бошлаш, таваккалчилик қилиш, асабийлашиш, электрон ва маиший техника билан эҳтиётсизларча муносабатда бўлиш, болалар ва ота-оналарингиз билан кескин оҳангларда гаплашишдан ўзингизни тийинг.



Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

ТЕЛЕФОНЛАР:

ҳатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39; факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма тибқо офсет усунла босилди. 3868 нусхада босилди. Қотоз биринчи А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатда олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 133-74-03 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва сақияланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа оқшадорлик компанияси босмохонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.